Бугунги кунда D витаминига, айниқса унинг фаол метаболитларига қизиқиш ортиб бормоқда, D витамини турли тана тўқималарининг нишон хужайраларида жойлашган махсус рецепторлари билан ўзаро таъсир қилиш туфайли турли хил биологик таъсирлар кўрсатади. Маълумки, ҳомиладорлик даврида организмнинг D витаминига бўлган талаби ошади. Ҳозирги вақтда ҳомиладор аёл танасининг D витамини билан етарли даражада таъминланмаслиги ва презклампсия ва унинг асоратларининг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик механизми ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас [13,21,23]. ПЭ патогенезида D витаминининг роли калций-фосфор алмашинуви ва қон томирларининг эндотелиясига таъсир қилади. Маълумки, плацента D витаминининг фаол метаболитларини синтез қилади, улар плацента томонидан жинсий стероидлар синтезини кучайтиради ва синкётрофобластда инсон хорионик гонадотропинининг чиқарилишини ва секрециясини тартибга солади, бу трофобластнинг тўлиқ имплантацияси ва инвазиясига ёрдам беради. Шунингдек, эндотелиал дисфункциянинг ривожланиши ва презклампсияни намоён бўлишининг омилли сифатида D витамини фаол метаболитларининг етишмаслигини кўриб чиқиш мумкин. D витаминининг фаол шакллари турли хил биологик жараёнларда, жумладан хужайралар ўсиши, дифференциацияси ва метаболит модуляциясини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди [2,10,13]. Шу билан бирга D витамини эндотелиал прогенитор хужайраларнинг ангиоген хусусиятларини яхшилади. Ушбу маълумотлар D3 витамини етишмовчилигининг ПЭ хавфини оширишга таъсирини тушунтириши мумкин.

Адабиётларга кўра, D витамини етишмовчилиги ҳомиладорлик даврида аборт ва эрта туғилиш, гестацион қандли диабет, кесар кесиш ва кам вазн билан туғилиш ҳолатларини оширади [6,24]. Ҳомиланинг ва янги туғилган чақалоқнинг D витамини билан таъминланиши бевосита онанинг қонидаги D витамини миқдорига боғлиқ. Боланинг киндик қонида D витаминининг асосий транспорт шакли - 25-гидроксиолекалсиферол (25 (ОН) D) концентрацияси онанинг қонидаги 25 (ОН) D даражасининг 50-80% ни ташкил қилади. Ҳомиладор аёллар орасида D витамини танқислигининг кенг тарқалганлиги, ҳаётнинг биринчи ойларида янги туғилган чақалоқлар ва болаларда D витамини етишмаслигининг юқори даражасини тушунтиради. Ҳомила 1,25-дигидроксиолекалсиферолнинг 1,25 (ОН) 2 D3 асосий манбаи - D3 витаминининг

метаболити - ҳомиланинг буйраклари ҳисобланади. Ҳомиланинг 24-ҳафталигидан бошлаб D3 витамини ондан плацента орқали, пассив ҳамда энгил транспорт ёрдамида ва асосан транспорт шаклида 1,25(OH)D3 га ўтади ва кейин буйрақлар орқали 1,25 (OH) 2D3 га метаболланади. Ҳомиладорлик даврида онанинг қонида 1,25 (OH)2D3 миқдори ошади бунга сабаб буйрақларида 1,25(OH)2D3 синтезининг кўпайиши, шунингдек, экстраренал яни унинг трофобласт, децидуал тўқима ва плацентадан синтезланиш бошланади. Бироқ ҳомиладорликнинг биринчи триместридан бошлаб 1,25(OH)2D3 даражасининг ошиши, плацента бўйлаб калцийни ташишни тартибга солишга эмас, балки она ва ҳомила ўртасидаги ўзаро таъсирни иммуномодуляция қилишга қаратилган [4,17,18]. 20-22 ҳафта давомида ҳомила миясининг нейронлари ва глиал тўқималарида, витамин D рецепторлари (VDR) ҳосил бўлади. Боланинг ҳаётининг биринчи йилларида D витамини етарли даражада истеъмол қилинган тақдирда, марказий асаб тизимидаги VDR зичлиги ўн баробар ортади. Астроцитларда 1,25 (OH) 2 D нейротрофинларнинг синтезини фаоллаштиради. Ушбу бирикмалар нейроопластикликнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади [21]. Экспериментал ва клиник тадқиқотларда кўрсатилган D витаминининг "инсултга қарши" потенциали унинг янги туғилган чақалоқ тизимларининг вазопротектив таъсири билан боғлиқ [13, 14]. Замонавий акушерликнинг устувор вазифаси презклампсиянинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш орқали она ва ҳомила учун ҳомиладорлик натижаларини яхшилашдир. Презклампсиянинг эрта маркёрларини излаш бир неча ўн йиллар давомида давом этмоқда, аммо тавсия этилган тестларнинг ҳеч бири етарли даражада сезгирлик ва ўзига хосликка эга эмас, бу эса изланишларни давом эттиришни талаб қилади. ПЕ билан оғриган беморларда ҳомиладорликнинг натижаларига таъсир қилувчи энг муҳим омиллар - бу ўз вақтида эрта ташхис қўйиш ва ҳомиладорликни олиб боришдир.

Мақсад: Презклампсия кузатилган ҳомиладорларда гомоцистеин, 25 (OH) D витаминининг ва ялгланишнинг биохимик маркерларининг миқдорини аниқлаш ва шунга кура, ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланишининг дастлабки белгиларини башорат қилиш ва профилактика меъзонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Тадқиқот вилоят перинатал маркази ва шаҳар туғруқ комплекси негизида 2019-2022 йилар давомида олиб борилди. Тадқиқотга 28 дан 36 ҳафтагача бўлган презклампсия кузатилган ҳомиладор аёллар жалб қилинди. Ҳомиладорлардан тадқиқотга иштирок этиш учун

розилик хати олинди. Истисно мезонлари: кўп ҳомилалик, симптоматик артериал гипертензия, тизимли бириктирувчи тўқима касалликлари, рухий касалликлар, ОИВ инфекцияси. Тадқиқотда 85 нафар ҳомиладор аёл иштирок этди. Улардан 31нафари ПЕ оғир даражаси ва 29 нафари ПЕ энгил даражаси кузатилган ҳомиладор аёллар. Назорат гуруҳи гипертензив касалликлари бўлмаган 25 нафар физиологик кечаётган ҳомиладор аёллардан иборат эди. Барча ҳомиладорларда диагностик тадқиқотларнинг ягона комплекси ўтказилди: умумий физик текширув; қон босими, клиник қон таҳлили, 24 соатлик сийдик таҳлили, ҳомила ултратовуш текшируви, доплерометрия. Биокимёвий таҳлиллардан қондаги витамин D миқдори, гомоцистеин, C реактив оксил, лактат дегидрогеназа миқдори аниқланди.

D витамини ёки кальций препаратларини истеъмол қилган ҳомиладорлар, тадқиқотдан чиқариб ташланди. Қон зардобадаги 25 (OH) D витамини даражаси ва гомоцистеин Бухоро тиббий диагностикаси хусусий диагностика маразиди иммунофермент усулда таҳлил қилинди. 25 (OH) D витаминининг қон зардобадаги миқдори 20-50 нг/мл миқдори оптимал, 10-19 нг / мл оралиғида – нисбий етишмовчилиги, ≤ 10 нг / мл бўлганда эса D витаминнинг дефицит ҳолати яъни танқислиги деб баҳоланди.

Қондаги гомоцистеин миқдорининг диагностика усули. ЭДТАда олинган қон плазмасидаги гомоцистеин миқдори ELISA EIA 2925 реагентлари ёрдамида ферментга боғланган имуносорбент таҳлили билан аниқланди. Ушбу тест тизими инсон қон зардобадаги ёки плазмасидаги умумий L-гомоцистеин миқдорини миқдорий аниқлаш учун мўлжалланган. Нормада қон зардобадаги гомоцистеин миқдори 5-16 мкмоль/л. Олинган натижалар Статистика 6 дастурида қайта ишланди.1, Манн - У-тестидан фойдаланган ҳолда параметрик статистика усуллари билан фарқлар $p < 0,05$ да статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланган.

Натижалар: Барча бемор аёллар Бухоро вилоятида истиқомат қилади. Уларнинг барчаси Вилоят перинатал маркази ва Бухоро шаҳар туғруқ комплексида кузатилган. Барча текширилган ҳомиладор аёлларда антропометрик кўрсаткичлар (бўйи ва вазни) ўрганилди ва ёшга қараб тақсимот амалга оширилди (жадвал 1).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқотнинг барча гуруҳларида текширилган ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмади ($p > 0,05$). Шунингдек, барча таққосланган гуруҳларнинг кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ йўқ эди ва асосий антропометрик кўрсаткичлар бўйича - ҳомиладор аёлларнинг бўйи ва вазни ($p > 0,05$),

назорат гуруҳи билан солиштирганда преэклампсия кузатилган ҳомиладорларда тана вазнининг кўплиги ва турли даражадаги семизлик нисбатан кўп кузатилди. Юқоридаги параметрларга қўшимча равишда, Кетел бўйича тана массаси индекси (ТМИ) аниқланди. ТМИ учун ўлчов бирлиги кг / м² дир. Тадқиқот давомида асосий гуруҳда таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳига нисбатан турли даражадаги семириш ва ортиқча тана вазни қайд этилган. Биринчи гуруҳда 31,1 ± 0, 11 кг / м² га тенг эди; иккинчи гуруҳда - 30,8 ± 0,40 кг / м²; назорат гуруҳида 26,9 ± 0,42 кг / м².

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги оғир преэклампсия кузатилган ҳомиладор аёлларнинг ТМИ 73% да ортиқча тана вазни ва турли даражадаги семиришга эга эканлиги аниқланди. Текширувда қатнашган ҳомиладор аёлларнинг

асосий гуруҳида камқонлик касаллиги(84%), сийдик йўллари инфекциялари (35,4%), семизлик(58%) шу билан биргаликда ҳомиладорлик даврида кузатилган ўткир респиратор инфекциялар таққослаш ва назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги 2-жадвалдан кўриниб турибди. Преэклампсия кузатилган ҳомиладорларда жигар ва ўт йўллари касалликлари 16% аёлларда аниқланган бўлиб бу физиологик кечаётган ҳомиладорларга(8 %) караганда 2 баробар кўп. Оғир преэклампсия кузатилган аёлларнинг 35,4% и ковид -19 билан касалланган, енгил ПЕ гуруҳнинг 27,5%и ва бу ўз навбатида гиперкоагуляция, гипергомоцистеинемия ва D витамин дефицити асорати натижасида келиб чиққан булиши мумкин.

Жадвал 1. Преэклампсия кузатилган ҳомиладорларнинг ўртача ёш ва антропометрик кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Оғир преэклампсия n=31	Енгил преэклампсия n=29	Назорат гуруҳи n=25
Ўртача ёш	29,3±0,91	26,3±0,19	27,2±0,23
Ўртача бўй узунлиги, см	157,2±0,23	158,32 ±0,45	161,3±0,5
Ўртача оғирлиги, кг	78,3±0,3	74,5±0,4	70,5±0,4

Жадвал 2. Текширилган аёлларда кузатилган соматик касаликлар

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ , n=31		Таққослама гуруҳ , n=29		Назорат гуруҳи n=25	
	Абс	%	Абс	%	абс	%
Анемия	26	84,0	21	72,4	14	56,0
Варикоз касаллиги	8	26	6	20,6	4	16,0
Жигар ва ўт йўллари касалликлари	5	16	3	10,3	2	8,0
Қалқонсимон без касаликлари	17	55	17	58,6	13	52,0
СЙИ	11	35,4	11	38,0	3	12,0
Семизлик	18	58	15	51,7	8	32,0
ЎРК	13	42	10	34,5	5	20,0
COVID-19	11	35,4	8	27,5	3	12,0

Жадвал 3. Текширилган гуруҳларда биохимик маркёрларнинг миқдори

Лаборатор кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ ПЭ оғир др , n=31	Таққослама гуруҳ ПЭ енгил др , n=29	Назорат гуруҳи n=25
Гомоцистеин	24,2±4,958	17,6±4,349	10,6±3,448
25 (ОН) D витамин	8,99 ± 2,16	17,53 ±2,1	26,81 ± 0,74
Лактатдегидрогеназа	1244±8,67	870±7,2	456±6,31
С реактив оксил	32±2,35	15±2,78	6±1,24
Умумий оксил	62±4,6	64±4,3	65±3,7
креатинин	73±3,67	56±3,46	48±3,2
мочевина	7,8±0,34	7,6±0,5	5,4±0,45

Жадвал 4. Кузатилган ҳомиладорлар чакалоқларининг антропометрик кўрсаткичлари

Антропометрик кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ , n=31	Таққослама гуруҳ , n=29	Назорат гуруҳи n=25
Чакалоқнинг ўртача оғирлиги	1867±265	2244±328	2784±346
Ўртача бўй	41±2,5	42±3,1	47±2,3
Апгар шкаласи бўйича ўрача балл	6,1±1,3	7,3±1,7	8,4±1,6

Жадвал 5. Ҳомиладорлик даврида кузатилган акушерлик асоратлари

Кўрсаткичлари	Оғир преэклампсия n=31		енгил преэклампсия ст n=29		Назорат гуруҳи n=25	
	абс	%	Абс	%	Абс	%
НЖЙМОК	2	6.5	1	3.4	0	-
ПП	3	9.6	2	6.9	1	4
Ҳомиланинг антенатал ўлими	2	6.5	1	3.4	0	-
Бачадон субинволюцияси	5	16.1	2	6.9	1	4
ХЎЧС	4	12.9	2	6.9	0	-
Кесар кесиш	22	71	16	55	2	8

Физиологик ҳомиладорлик даврида гомоцистеин миқдори худди шу ёшдаги ҳомиладор бўлмаган аёлларга қараганда 50-60% паст бўлади ва ҳомила ўсиши билан унниг миқдори пасайиб боради. Преэклампсия фониди кечган ҳомиладорлик гомоцистеиннинг энг юқори даражалари, айниқса ҳомиладорликнинг II ва III триместрларида қайд этилган ва ҳомиладорлик муддати ошиши билан пасайиш кузатилмаган.

Гомоцистеиннинг сезиларли ўсиши энгил преэклампси гуруҳида $17,6 \pm 4,349$ мкмол / мл гача ва оғир преэклампси гуруҳида $24,2 \pm 4,958$ мкмол / мл гача аниқланди. Оғир ПЭ билан оғриган ҳомиладор аёлларда энгил ПЭ бўлган гуруҳга нисбатан ГЦ даражаси юқори бўлган, энгил преэклампсия кузатилган ҳомиладорларда ҳам касалликнинг узоқ муддат давом этган ҳолларда яни касалликнинг давомийлиги билан гомоцистеиннинг даражаси ошган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ҳомиладорликнинг учинчи триместрида гомоцистеиннинг критик қийматлари акушерлик асоратлари билан боғлиқ.

ПЭ билан ҳомиладор аёлларда D витамини даражаси $13,26 \pm 1,5$ нг / мл, назорат гуруҳида $26,81 \pm 0,74$ ни ташкил этди, бу ҳомиладорлик даврида ПЭ билан оғриган аёлларда 25 (ОН) D витамини концентрациясининг етарли эмаслигини кўрсатади. Витамин D миқдори ПЭнинг оғирлиги билан чамбарчас боғлиқ. Энгил ПЭ билан ҳомиладор аёлларда D витамини даражаси $17,53 \pm 2,1$ нг / мл ни ташкил этди; оғир ПЭ кузатилган ҳомиладорларда $8,99 \pm 2,16$ нг / мл. Оғир ПЭ бўлган гуруҳда 25 (ОН) D витамини қондаги миқдори энгил ПЭ гуруҳига қараганда анча паст эди ($p = 0,02$). D витамини даражаси 20 нг / мл дан паст бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида фетоплацентар системада қон айланишда турли даражадаги бузилишлар кузатилди.

Асосий ва таққаслаш гуруҳидаги аёлларнинг қон зардобидидаги умумий оксил, креатинин ва мочевина миқдори референс қийматлар чегарасида бўлиб, бироқ соғлом ҳомиладорларга таққослаганда преэклампсия кузатилган ҳомиладорлар қон зардобидида умумий оксилнинг камайиши аниқланди.

ПЭ билан оғриган оналардан туғилган чақалоқларнинг соғлиги D витамини даражасига қараб баҳоланди. 25 (ОН) D витамини даражаси паст бўлган аёллар кўпинча қониқарсиз туғруқ фаолияти ривожланиши ва туғруқ индукциясиусуллари таъсир етмаганлиги сабабли туғруқлар оператив йўл билан олиб борилди. D витамини даражаси етарли бўлмаган оналардан туғилган болаларда янги туғилган чақалоқларнинг ўртача тана вазни ва бўйи D витаминининг оптимал даражасига эга бўлган аёлларга қараганда анча паст ($p < 0,05$), шу билан биргалликда 25 (ОН) D витамин дефицит ҳолати кузатилган ҳомиладорларнинг фарзандларида ўсишдан ортда қолиш синдромининг ривожланганлиги, тана вазнининг экстремал кам туғилган чақалоқлар 4 нафарни ташкил этди. Соғлом ҳомиладорлардан туғилган чақалоқларнинг бўй узунлиги ҳам худди шу ҳафтада туғилган аммо онасида витамин 25 (ОН) D миқдори етишмовчилиги ҳамда преэклампсия кузатилган ҳомиладорларга нисбатан узунлигини аниқладик.

Янги туғилган чақалоқлар Апгар шкаласи бўйича баҳоланганда ПЭ билан оғриган оналарнинг туғилган болаларда паст кўрсаткичлар қайд этилган ($p < 0,05$).

25 (ОН) D витамин етишмовчилиги кузатилган ҳомиладорлардан туғилган чақалоқларнинг эрта неонатал даври бошқа аёлларникидан фарқ қилди. Уларнинг фақат 48% да чақалоқлар қониқарли аҳволда туғилди.

D витамини етишмовчилиги ва қон зардобидида гомоцистеин миқдори 16 нг/мл дан юқори бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг гипоксияси оғир кўринишлари: гипоксик-ишемик энцефалопатия, гипер-кўзгалувчанлик синдроми, ҳомиланинг она корнида инфидирланиши бўлган назорат гуруҳига қараганда $p < 0,05$ кўпроқ кузатилди. Чақалоқларнинг 12,9% да ХЎЧС нинг симметрик ва ассиметрик шакли, қорин ва кўкрак қафаси ўлчамларининг кичрайиши билан ҳомила бошининг ўлчамлари меъерий кўрсаткичлардан паст эканлиги аниқланди.

5- жадвалдан кўриниб турибдики преэклампсиянинг оғирлашуви ва акушерлик асоратлар бевосита боғлиқ. Преэклампсия кузатилган хомилаларнинг қон зардобидаги витамин 25 ОН D миқдорига қараб таҳлил қилинганда етарли даражада бўлмаганда 48% да, 25-гидроксикальциферол танқислиги кузатилганда 65% ҳолатда кесар кесиш операцияси билан тугатилган. Шундай қилиб, преэклампсиянинг турли даражалари бўлган хомилалар аёлларда гомоцистеин ва витамин D даражасини баҳолаш бу кўрсаткичдан, бир томондан, эндотелиал дисфункция белгиси сифатида, иккинчи томондан, акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланишининг прогностик кўрсаткичи сифатида фойдаланишга имкон беради.

Хулоса. Биз таклиф этган қондаги гомоцистеин ва витамин 25 (ОН) D миқдорини аниқлаш орқали хомилалар аёлларда перинатал ва акушерлик асоратлар юзага келишдан олдин айтиб бериш ва унинг эрта профилактикасини ўтказишимиз мумкин. Бу орқали биз хомилаларлик ва туғруқ вақтида кузатилиши мумкин булган акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олишимиз ҳамда оқибатларини яхшилашимиз мумкин. Бу эса, ушбу асоратларни даволаш учун сарфланадиган дори воситалари ва тиббий анжомларни иқтисод қилинишига ва касалхона кунларини қисқартиришга ёрдам беради.

Юқоридаги текширувларни амалга оширилиб хавф гуруҳидаги аёлларга хомилаларликгача ва хомилаларлик даврида витамин D 2000-4000МЕ/сут (50-100мкг/сут) ед доза ва фолий кислотаси 400 мкг билан таъминланган тақдирда преэклампсия ва унинг асоратлари билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни камайтиришга эришилади. Олинган натижалар ушбу ҳолатни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишда ёрдам беради.

Шундай қилиб ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, преэклампсия қайд этилган хомилаларларда 25 (ОН) D витамининг етишмовчилиги ва танқислиги учраши физиологик кечаётган хомилаларларнинг қон зардобидаги витамин D миқдорига нисбатан 2.9 маротаба кўпроқ бўлган.

Преэклампсия кузатилаган хомилаларлар қон зардобидаги септик асоратлардаги биокимевий маркерлардан ЛДГ 2.7 марта ва СРО нинг 5.3 марта ошиши аёллардаги, 25 ОН D витамин даражасининг статистик жиҳатдан аҳамиятли пасайиши ва гомоцистеин миқдорининг 2.2 мартага ошиши, гиперкоагуляциянинг ривожланиши, акушерлик ва перинатал асоратларни келиб чиқиш эҳтимоли

ва унинг оғир шаклларига ўтиши яққол намоён бўлди.

Биз хомилалар аёллар организмида D витамини ва фолат билан тўйинганлиги ҳамда преэклампсиянинг оғирлик даражаси ва перинатал асоратлари ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқладик. Тадқиқоқларимиз натижасида шу қуриниб турибдики преэклампсия қайд этилган аёлларда витамин D билан таъминланганлик аксар ҳолларда танқислик яъни зардобдаги концентрацияси 10нг/млдан паст экан. Хомилаларлик даврида 25 (ОН) D витамини миқдорининг 20нг/мл дан камайиши преэклампсия оғир даражасининг тўрт қарра ортишига сабаб бўлади, витамин танқислиги эса (10нг/мл) преэклампсия ривожланиши ва кичик ваздли болалар туғилиши хавфини беш марта оширади.

D витамини ва фолат кислота билан бирга микроэлементларни предгравидар 3 ой давомида профилактик равишда тайинланиши авваламбор преэклампсия ва унинг асоратлари ХЎЧС, хомила гипоксияси, хомиланинг церебрал зарарланиши учраш ҳолатларини, кесар кесиш, коникарсиз туғруқ фаолиятини, ва албатта туғруқдан кейинги асоратлар ривожланишини олдини олади.

Адабиётлар:

1. Абдурахманова Д. Н., Мадаминова М. Ш., Садуллаева А. Ф. Преэклампсия - актуальная проблема в современном акушерстве// International scientific review. 2016. №(15). – С. 111
2. Алексеева Л.Л. Течение и исходы беременности при преэклампсии//Врач-аспирант. - 2017. - Т. 81. № 2.2. - С. 261-267.
3. Адизова С.Р., Ихтиярова Г.А. Причины эндотелиальной дисфункции при гипертензивных расстройств у беременных. // Тиббиетда янги кун, 3(35/1)2021 С. С.214-217
4. Аюпова Ф.М., Ихтиярова Г.А., Нигматова Г.М. Факторы риска перинатальных осложнений по данным ретроспективного анализа// Ж Педиатрия Ташкент, 2019. –С 224-229
5. Ашурова У. А. “Клинико-генетические особенности развития и ведения беременных с гестационной гипертензией» автореферат.- 2020
6. Каттаходжаева М.Х., Гайбуллаева Д.Ф. Показатели эндотелиальной дисфункции и маркеры системного воспаления у беременных при преэклампсии//RE-HEALTH journal №2.2(6)2020
7. Камилова М. Я, Рахматуллоева Д.М., Давлятова Г.К., Мулкамонова Л.Н., Ишан-Ходжаева Ф.Р. Ранние и поздние преэклампсии: течение беременности, родов и перинатальные исходы//Вестник Авиценны. - 2016. - № 4 (69). - 34-38.
8. Кузина Е. А., Тюрина Е.П. Исходы родоразрешения и состояние новорожденных у

беременных женщин с преэклампсией//Символ науки. -2015. - № 6. - С. 311-313.

9. Кулида Л. В. Смирнова Е. В., Панова И. А. Клинико-анамнестические данные и патоморфологические особенности плацент при задержке роста плода у женщин с хронической артериальной гипертензией и присоединившейся преэклампсией// Российский вестник акушера-гинеколога. – 2016. - №16(5). – С. 66-70

10.Малдыбаева Э.К., Долгая Г.В., Турдиева А.С., Сарымсакова Т.А. Ретроспективный анализ перинатальных исходов у женщин с преждевременными родами //Вестник КPCУ. - 2015. – Т. 15. № 4. – С.67-69.

11.Меркушкина Т.И., Тюрина Е.П. Течение и исходы беременности у женщин с преэклампсией//Научная мысль.- 2018. - № 2-4. - С. 46-53.

12.Погорелова Т.Н., Гунько В.О., Линде В.А. Протеомный профиль плаценты при физиологической беременности и беременности, осложненной преэклампсией//Акушерство и гинекология. - 2013. - № 7. - С. 24-29.

13.Ихтиярова Г.А., Адизова С.Р. «Прогностическая ценность цитокинов у женщин при осложненных родах с преэклампсией» New day in medicine 3(27)2019 с 117-119

14.Рябоконе Н.Р., Зазерская И.Е., Большакова О.О. Особенности жесткости сосудов при преэклампсии и после родов//Журнал акушерства и женских болезней. - 2016. - Т. 65. № 5. - С. 49-55.

15.Серов, В.Н. Клинические рекомендации. Акушерство и гинекология. – 4-е изд. / В.Н. Серов, Г.Т. Сухих. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2014. – 1024 с.

16.Стрижаков А.Н., Игнатко И.В., Карданова М. Критическое состояние плода: определение, диагностические критерии, акушерская тактика, перинатальные исходы//Вопросы гинекологии, акушерства и перинатологии. - 2015. - Т. 14. № 4. - С. 5-14.

17.Хлестова Г.В., Карапетян А.О., Шакая М.Н., Романов А.Ю., Баев О.Р. Материнские и перинатальные исходы при ранней и поздней преэклампсии// Акушерство и гинекология. - 2017. - № 6.- С.41-47

18.ACOG. First-trimester risk assessment for early-onset preeclampsia //Obstetrics and Gynecology, 2015; Vol. 126. pp 25-27.

19.Aita K. et al. Acute and transient podocyte loss and proteinuria in preeclampsia // Nephron. Clin. Pract, 2019; Vol. 112, N 2. pp. 65-70.

20.Alnaes-Katjavivi, P., Roald, B., Staff, A.C. Uteroplacental acute atherosclerosis in preeclamptic pregnancies: Rates and clinical outcomes differ by

tissue collection methods//Pregnancy Hypertension, 2020;19, pp. 11-17

21.Cali U., Cavkaytar S., Sirvan L., Danisman N. Placental apoptosis in preeclampsia, intrauterine growth retardation, and HELLP syndrome: an immunohistochemical study with caspase-3 and bcl-2. Clin Exp Obstet Gynecol 2013; 40: 1: 45—48.

22.Devisme, L. A case-control study of placental lesions associated with preeclampsia / L. Devisme, B.Merlot, A. Ego, V. Houfflin-Debarge, P. Deruelle, D. Subtil // Int J Gynaecol Obstet. – 2013. – Vol. 120, № 2. – P. 165-168.

23.Jim B., Jean-Louis P., Qipo A., Garry D., Mian S., Matos T. et al. Podocyturia as a diagnostic marker for preeclampsia amongst high-risk pregnant patients. J. Pregnancy. 2018; 2012:984630.

24.Karthikeyan V.J., Lip G.Y. Endothelial damage/dysfunction and hypertension in pregnancy. Front. Biosci. (Elite Ed). 2019 Jun 1; 3: 1100-8.

25.Lazdam M., Davis E.F., Lewandowski A.J., Worton S.A. et al. Prevention of Vascular Dysfunction after Preeclampsia: A Potential Long-Term Outcome Measure and an Emerging Goal for Treatment. Journal of Pregnancy.2012, Article ID 704146, 8 p.

26.Wikstrom A.K., Ekegren L., Karlsson M., Bergenheim M. Plasma levels of S-100 during pregnancy in women developing preeclampsia. Pregnancy Hypertension: An International Journal of Women's Cardiovascular Health. October 2019; 2 (4): 398-402.

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ АКУШЕРСКИХ И ПЕРИНАТАЛЬНЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ У БЕРЕМЕННЫХ С ПРЕЭКЛАМПСИЕЙ

Адизова С.Р., Ихтиярова Г.А.

Резюме. Актуальность. Преэклампсия при беременности занимает ведущие позиции среди проблем современного акушерства, поскольку существенно влияют на показатели как материнской, так и перинатальной заболеваемости, и смертности. Цель исследования: Определить уровень гомоцистеина, 25 (ОН) витамина D и биохимических маркеров при гипертензивных расстройствах у беременных и оценить их влияние на развитие акушерских и перинатальных осложнений при преэклампсии. Материал и методы. Проведено проспективное когортное исследование. Рандомизация проведена путем простой случайной выборки. Проанализировано состояние 85 беременных с преэклампсией и их новорожденных. Группу контроля составили 25 беременных без гипертензивных расстройств. Выводы. Гипергомоцистеинемия и недостаточность витамина D статистически значимо влияют не только на здоровье беременной, но и состояние здоровья новорожденного. Чем выше уровень гомоцистеина в крови тем развитее осложнений преэклампсии.

Ключевые слова: преэклампсия, эндотелиальная дисфункция, гипергомоцистеинемия, перинатальная поражения.

TACTICS OF SURGICAL TREATMENT OF INJURIES OF THE ARTERIES OF THE EXTREMITIES IN CONCOMITANT INJURIES



Asrarov Uktamkhon Askarhonovich, Sahiboev Dilshod Parpijalilovich, Matmuradov Jakhongir Kamilovich, Juraev Sardorbek Bakhodir ugli
Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРДА ҚЎЛ-ОЁҚ АРТЕРИЯЛАРИ ШИКАСТЛАНИШЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ

Асраров Ўқтамхон Аскархонович, Сахибоев Дилшод Парпижалилович, Матмуратов Жаҳонгир Камиллович, Жўраев Сардорбек Баходир ўғли
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

ТАКТИКА ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЙ АРТЕРИЙ КОНЕЧНОСТЕЙ ПРИ СОЧЕТАННЫХ ТРАВМАХ

Асраров Уктамхон Аскархонович, Сахибоев Дилшод Парпижалилович, Матмуратов Жаҳонгир Камиллович, Жураев Сардорбек Баходир угли
Ташкентская Медицинская Академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

e-mail: jakhongir.kamilovich@gmail.com

Резюме. Долзарблиги. Бугунги кунда қон-томир жарроҳлигида артериялар жароҳатланишининг таъхислаши ва даволаши долзарб муаммолардан биридир. Мақсад: Қўл-оёқ қўшма жароҳатида таъхислаш ва даволаш тактикасини оптимизациялаш йўли орқали периферик артериялар жароҳатлари билан ҳаста бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш. Материал ва услублар. 2020-2022 йиллардаги 56 қўшма жароҳат билан мурожат қилган ва периферик артериялар жароҳати аниқланган беморлар анализ қилинди. Диагностика ва даволаш натижаларига таъсир этишида беморнинг жароҳат олгандан мурожат қилишгача бўлган вақт, жароҳатнинг генези, компенсатор механизмларнинг ва кўрсатилган ёрдамнинг ўрни ўрганилди. Хулоса. Ижобий натижаларнинг асосида ўз вақтида ва тезкор равишда жароҳатланган артериал қон-томирларнинг магистрал қон оқимини тиклаш шошилинч ангиохирургик ёрдамнинг асосий устуворлиги аниқланди.

Калит сўзлар: қўл-оёқ артериялари жароҳатланиши; артериялар қўшма жароҳати.

Abstract. Relevance. Diagnosis and treatment of patients with arterial injury is one of the urgent tasks of modern vascular surgery. Purpose of the research: To improve the results of treatment of patients with peripheral arterial injuries with associated limb injuries, by optimizing the diagnosis and treatment tactics. Material and methods. The analysis of the results of diagnosis and treatment of 56 patients with damage to peripheral arteries with combined injuries for the period from 2020 to 2022 was carried out. The influence on the results of diagnosis and treatment of the time interval between injury and admission to the hospital, the genesis of the injury, the role of compensatory mechanisms and the assistance provided were studied. Conclusions. Timely and rapid restoration of the main blood flow in case of combined osteovascular injuries is the main priority of emergency angiosurgical care.

Key words: damage to the arteries of the extremities; associated arterial injury.

Introduction. Diagnosis and treatment of patients with arterial injury is one of the urgent tasks of modern vascular surgery. In the structure of all injuries, according to various authors, they range from 2% to 11% [1]. Recently, road traffic, domestic, industrial injuries in terms of disability and mortality ranks second, second only to cardiovascular diseases. Until now, the overall mortality in vascular injury remains high (18%), reaching 62% with damage to large vessels of the chest and abdominal cavity, 35% - with combined injuries, 20.5% - with injuries of neck vessels. About 5% of victims of peacetime die with trauma to the vessels of the extremities. The frequency of limb amputations in case

of vascular injuries is 8% [2]. Diagnosis of vascular injury and assistance to the victim is an emergency as a rule, so any mistake in this pathology can be fatal. The success of treatment depends on the speed of specialized surgical care. One of the complex and urgent problems of vascular surgery is iatrogenic damage to blood vessels. This circumstance is dictated by the fact that the current trend towards increased surgical activity in all branches of surgery entails a number of errors by doctors, in particular, unintentional damage to arterial and venous vessels [4]. The importance of the problem of diagnosing and treating arterial injury lies in the fact that vascular damage in the late post-traumatic period is

complicated by repeated massive bleeding, infection of the wound, all this can occur against the background of damage to other organs and tissues, which aggravates the general condition of the patient [5]. Prolonged bleeding with damage to even small branches leads to massive blood loss. Severe concomitant injury, which worsens the general condition of the patient, increases the incidence of complications and lethality [6].

Purpose of the research. Improving the results of treatment of patients with peripheral arterial injuries with associated limb injuries by optimizing the diagnosis and treatment tactics.

Materials and methods. For the period from 2020 to 2022, 56 patients with combined injuries of peripheral arteries underwent various types of reconstructive surgery. There were 36 (64%) men and 20 (36%) women. Age ranged from 5 to 78 years. Among the total number of admitted patients, 32 were under the age of 45, which accounted for 57%. When analyzing the timing of admission, it was found that 34 (60%) of the victims applied within 6 hours from the moment of injury. In the time interval from 6 to 12 hours after the injury, 11 (19%) victims were hospitalized. 8 (14%) patients applied within 24 hours. 3 (5%) patients were admitted from remote regions of the republic in the winter period of the year within more than 24 hours. Among the etiological factors of damage, the leading place was occupied by sharp objects, i.e. 28 (50%) patients were admitted with incised and lacerated wounds. These victims had a combined injury at the level of the shoulder, forearm, thigh and lower leg. The combination of bone fracture with damage to the neurovascular bundle and tendons occurred in 22 (37%) patients. A transcondylar fracture was observed in 17 (30%) patients, and dislocations in 5 (9%) patients. Gunshot wounds of the upper or lower extremities with bone fractures, injuries of the neurovascular bundle and tendon-muscular apparatus, extensive crushing of the soft tissues of the limb, as an etiological factor, occurred in 6 (11%) patients. Among 28 (50%) patients with incised wounds, in 9 (16%) cases, the cause of the injury was electric machines. At the same time, the wounds in the victims were multiple and were located on the anterior surface of the forearm (14%) and lower leg (1.7%). In a state of shock of varying severity, 27 (48%) patients were admitted; among this number, severe shock occurred in patients with gunshot wounds (10%) and patients who were injured by electric machines (16%). The algorithm for examining patients included: examination of the injured limb, assessment of the degree of circulatory disorders, ultrasound duplex scanning of blood vessels (USDS), radiography of the bones of the lower extremities, as well as consultation of related specialists. In difficult situations, to assess the degree of vascular damage in multiple bone fractures and significant edema, 6 (11%) patients underwent X-ray contrast angiography (due to severe edema covering the limb, in order to determine the level of vascular damage and choose treatment tactics). When

studying the degree of circulatory disorders in the injured limb, it was found that in 38 (68%) cases, it remained compensated. These were patients with incised wounds and fractures. Subcompensated nature of the blood circulation of the limb occurred in 12 (21%) patients. In 6 (11%) patients, decompensation of the blood circulation of the extremities was noted, which was associated with the extent of the damage and the violation of all components of the blood circulation of the limb. Estimation of ischemia according to the classification of V.S. Saveliev was not possible due to the given damage to the bones, muscles and nerves in patients.

Results and its discussion. The complexity of diagnosis in associated injuries is associated with the absence of obvious signs of vascular damage (external bleeding, large hematoma, and signs of tissue ischemia), which was caused by significant tissue edema and covering the defect on the vessel wall. Therapeutic tactics for osteovascular damage to the limbs was aimed at saving the life and limb of the patient, given the high probability of the possible development of severe shock and fat embolism in such cases. The tactics of surgical treatment in this group of patients consisted in restoring the patency of the main blood flow and eliminating extravasal compression in the first hours of admission. In this case, the restoration of all damaged structures was considered the best option. Circular suture of the artery was performed only in 11 cases, with a wound surface no more than 3 cm. In 13 cases, with a large wound surface, autovenous plasty of the vessel was performed. In case of damage to the bifurcation of the artery, 5 (9%) patients underwent bifurcation bypass grafting with an auto-venous patch. In the 16 (28%) cases of simultaneous damage to several supply arteries of the limb, 9 (16%) cases were sutured and 7 (12%) auto-venous patch plasty was performed. With isolated injuries of one artery out of several, in 13 (23%) cases, it was possible to improve the blood circulation of the limb by applying a circular suture. Indications for performing auto-venous vascular plasty were mainly given to patients in whom vascular damage was noted during bone crushing, tissue crushing and gunshot wounds (Fig. 1, 2). In our observations, in 6 (11%) cases, patients received treatment in non-specialized medical institutions, they underwent interventions on damaged soft tissues: primary surgical debridement (4), ligation of damaged ends of arteries (2). One of these patients underwent ligation of the ulnar artery together with the ulnar nerve. All of these 6 (11%) patients underwent delayed reconstructive surgery. In the long-term period, along with objective data, the ultrasound technique was widely used to study the degree of blood circulation in the limb. 55 (98%) patients were examined. Only in 1 (2%) observation there was thrombosis of the tibial artery, the rest of the vessels were patent. Clinical signs of chronic arterial ischemia during exercise were not detected in any case.



Fig. 1. Intraoperative photo. Recovering of a damaged artery by applying an anastomosis of the "end-to-end" type



Fig. 2. Intraoperative photo. Recovering of the integrity of the bones of the lower leg by reposition

In the early postoperative period, 6 (11%) operated patients developed complications such as suppuration of the postoperative wound, thrombosis of the operated vessel (n=1; 2%), and bleeding (n=1; 2%). All of these complications were resolved successfully. Only in 1 (2%) case, amputation was performed after the operation. The cause of limb amputation was thrombosis of the operated vessel, more progressive than limb ischemia with the development of necrobiotic changes in tissues. In 1 (2%) patient, a lethal outcome was noted, the cause of which was due to shock and severe blood loss incompatible with life. Consequently, out of all 56 (100%) patients with combined osteovascular injury of the extremities, 54 (96%) patients managed to achieve a positive result, which indicates the correct choice of surgical tactics. Most authors provide convincing data on the high frequency of errors and errors in the provision of first aid to victims with combined bone and vascular injuries. The only way to reduce the level of diagnostic and tactical errors in the provision of specialized care to this category of patients, according to a number of authors, is to increase the level of doctors' knowledge about blood vessel injuries and their consequences, and the widespread use of additional invasive research methods. Therefore, adequate revascularization and restoration of damaged limb structures using various methods of surgical correction of damaged tissues reduce the risk of complications and the incidence of chronic arterial ischemia.

Conclusions: 1. Recovering of the main blood flow in case of combined osteovascular injuries is the main priority of emergency angiosurgical care. Only the provision of specialized care using the most complex

surgical interventions for this category of patients guarantees good treatment results. 2. To achieve high clinical efficiency, in our opinion, in all cases with combined osteovascular injuries, care should be provided by a team of vascular surgeons and traumatologists.

Literature:

1. Салимов Д.Р, Игнатъев И.М, Насунов С.Ю. Подмышечно-плечевое шунтирование аутовеной "in situ" при острой ишемии верхней конечности. *Ангиология и сосудистая хирургия.* 2021;18(3):128-30.
2. Артыков К.П, Абдуллоев З.Р, Маликов М.Х, Таджибаев ХС. Посттравматические особенности нарушения кровообращения пальцев и кисти. *Вестник Авиценны.* 2020;1:15-22.
3. Макарова Н.П, Ермолаев В.Л, Козлова М.А, Хмельникер С.М, Лобут О.А, Шушарина ВВ. Повреждения магистральных кровеносных сосудов. Эволюция неотложной ангиотравматологической помощи на Среднем Урале. *Вестник Уральской медицинской академической науки.* 2018;3:73-8;
4. Irnazarov A.A, Asrarov U.A., et al. Efficiency of hybrid surgery in treatment of multifocal atherosclerosis of lower limbs vessels. *Journal of Hunan University Vol.* 48. No. 10. 2021.
5. Faisal M.S, Muhammad S.D, Ahmed A. An immediate exploration of penetrating upper extremity injury for unexpected vascular trauma: a case of limb salvage. *Pak J Surg.* 2015;30(1):80-2.
6. Каримов Ш.И., Ирнazarов А.А., Асраров У.А. Применение гибридных хирургических вмешательств у больных с критической ишемией нижних конечностей при мультифокальном атеросклерозе. *«Тиббиет янги куни»;* 3(27)2019, 46-52. (14.00.00, № 22).

ТАКТИКА ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЙ АРТЕРИЙ КОНЕЧНОСТЕЙ ПРИ СОЧЕТАННЫХ ТРАВМАХ

Асраров У.А., Сахибоев Д.П., Матмуратов Ж.К., Жураев С.Б.

Резюме. Актуальность. Диагностика и лечение больных с травмой артерий является одной из актуальных задач современной сосудистой хирургии. Цель исследования: Улучшение результатов лечения больных с повреждениями периферических артерий при сочетанных травмах конечностей, путем оптимизации диагностики и тактики лечения. Материал и методы. Проведен анализ результатов диагностики и лечения 56 больных с повреждением периферических артерий при сочетанных травмах за период с 2020 по 2022 гг. Изучены влияние на результаты диагностики и лечения временный промежуток между травмой и обращением в стационар, генез травмы, роль компенсаторных механизмов и оказанной помощи. Выводы. Своевременное и быстрое восстановление магистрального кровотока при сочетанных костно-сосудистых повреждениях является основным приоритетом экстренной ангиохирургической помощи.

Ключевые слова: повреждение артерий конечностей; сочетанные повреждения артерий.

ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ТЎЛИҚ ОЛИНАДИГАН ПЛАСТИНКАЛИ ПРОТЕЗЛАР УЧУН ФИКСАЦИЯЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ ЛАБОРАТОР ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ



Ахмадов Иномжон Низомитдин ўғли

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

МЕТОДЫ ЛАБОРАТОРНЫХ ИСПЫТАНИЙ ФИКСАТОРОВ ДЛЯ ПОЛНОСТЬЮ СЪЕМНЫХ ПЛАСТМАССОВЫХ ПРОТЕЗОВ ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ

Ахмадов Иномжон Низомитдин угли

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

METHODS OF LABORATORY TESTING OF RETAINERS FOR FULLY REMOVABLE PLASTIC PROSTHESES USED IN ORTHOPEDIC DENTISTRY

Akhmadov Inomjon Nizomitdin ugli

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: inomjonakhmadov1994@gmail.com

Резюме. Технологик тараққиётнинг ривожланиши ва унинг инсонга таъсири кучайиши билан (овқатларини қайта ишлаш, оғиз бўшлигини тозалаш жараёнларининг бузилиши, метаболизмда сезиларли ўзгаришларга олиб келадиган экологик офатлар ва бошқалар) қисман ва тўлиқ адентия билан касал бўлган беморлар ортиб бормоқда. Б.П.Маркова, И.Ю. Лебедеко, В.В. Эричева (2001) ларнинг фикрларига кўра - 40-49 ёшда тўлиқ адентия 1% ҳолларда, 50-59 ёшда - 5,5% ҳолларда ва 60 ёшдан ошган одамларда 25% ҳолларда кўзатилади. Замонавий стоматологиянинг ривожланиши шартли равишда олинадиган ва замонавий протезлар билан имплантлар ёрдамида тўлиқ адентияни тиклашга имкон берса-да, беморларнинг аксарияти учун, биринчи навбатда, иқтисодий сабабларга кўра бундай ёрдам истиснодир.

Калим сўз: тўлиқ олинадиган протезлар, протезга мослашиш, фиксацияловчи препаратлар, адгезив воситалар.

Abstract. With the development of technological progress and increasing its impact on humans (processing of food, disruption of oral cleansing processes, environmental disasters that lead to significant changes in metabolism, etc.), partial and complete adentia The number of patients is increasing. B.P.Markova, I.Yu. Lebedenko, V.V. According to Eriчева (2001), complete adentia is observed in 1% of cases at the age of 40-49 years, in 5.5% of cases at the age of 50-59 years, and in 25% of cases in people over 60 years of age. Although the development of modern dentistry has made it possible to restore complete adentia using implants with conditionally removable and modern prostheses, for most patients, such care is an exception, primarily for economic reasons.

Keywords: complete removable dentures, prosthesis adaptation, fixatives, adhesives.

Нафақа ёшидаги одамлар орасида иккиламчи тиш касалликлари билан оғриган беморларнинг, нисбатан сезиларли қисмини қайд этсак, тўлиқ олинадиган протезлардан фойдаланиш, турли хил иқтисодий аҳволга эга бўлган беморларда социал муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Шу билан бирга, жаҳон статистикасига кўра, тўлиқ олинадиган протезларга эга бўлган беморларнинг 20% гача бўлган қисми уларга мослашишнинг иложи йўқлиги, бунда протезларнинг ёмон фиксацияси

ва барқарор бўлмаганлиги туфайли улардан фойдаланмайди.

Тўлиқ олинадиган протезларни маҳкамлашни яхшилаш учун турли усуллар таклиф қилинган: тишсиз жағдан функционал гипс олиш техникасини такомиллаштириш; жарроҳлик усулларидан фойдаланиш; суяк ичи имплантлардан фойдаланиш; протезларнинг махсус конструкцияларини ишлаб чиқиш; эластик асослардан фойдаланиш [1, 2].

Бу усулларнинг барчаси маълум бир қанча муҳим камчиликларга эга: жарроҳлик аралашувни амалга оширишнинг мураккаблиги, юмшоқ асосларнинг эластиклигини йўқотиш, таклиф қилинган турли хил ишлаб чиқаришнинг машаққатли эканлиги ва бошқалар. Шунинг учун, муқобил равишда, оддийроқ ва қулайроқ усул сифатида олинадиган протезларни маҳкамлаш ва барқарорлаштиришни кучайтириш, тўлиқ олинадиган протезлар билан фиксацияловчи препаратлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлардан маълумки, айрим ғарб мамлакатларида фиксацияловчи препарат истеъмоли жуда юқори бўлиб, йилига 88 тоннага етади [3], биз Самарқанд вилоятида фиксацияловчи воситалардан фойдаланиш частотаси ҳақида ортопед стоматологлар ёки беморлар томонидан маълумот топа олмадик.

Тўлиқ олинадиган протезлар билан протезлашдан кейин мослашишда фиксацияловчи воситаларнинг клиник самарадорликка таъсири масаласи ҳали ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Баъзи ҳолларда фиксацияловчи воситалардан фойдаланиш протез стоматитининг пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, асосан протез ўрни тўқималарига олинадиган протезни маҳкамлаш муаммоси ҳал қилинади. Бу ҳар доим ҳам бемор томонидан фиксацияловчи воситани идрок этилишини яъни "протез- фиксацияловчи восита", "оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати - фиксацияловчи восита", "оғиз бўшлиғининг микрофлораси - фиксацияловчи восита" ўзаро таъсирини ҳисобга олмайди. Бундан ташқари, импорт қилинадиган фиксацияловчи препаратларнинг аксарияти бозорда тақдим этилган, улар иктисодий томондан беморлар учун ҳар доим ҳам ечим эмас, чунки уларнинг аксарияти кекса ва нафақадаги одамлардир.

Тадқиқот мақсади: Мослашиш жараёнини яхшилаш учун протез ўрнининг қониқарли ва ноқулай анатомик ва физиологик шароитларида пластинкали протезларини маҳкамлаш ва барқарорлаштириш самарадорлигини аниқлаш.

Материал ва усуллар:

-мавзу бўйича лабаратор тажриба натижалари билан танишиш

-фиксацияловчи кучини баҳолаш бўйича экспериментал маълумотларни ўрганиш


Натижалар. Фиксацияловчи моддаларнинг ёпишиш қобилиятини қиёсий баҳолаш учун иккита усул қўлланилади: асосга ёпишишини аниқлаш ва тўлиқ олинадиган протезнинг протез ўрни моделига ёпишишини аниқлаш.

Биринчи усулни ишлаб чиқиш (расм 1) [4] да ишлаб чиқилган техника асос қилиб олинган.

Тадқиқотлар "Стомасрйл", "Фторак" асос пластмассасидан тайёрланган пластинкаларни

хайвон тўқималаридан олинган шиллиқ қават (кўчқор ва бузоқнинг ичак қисмлари ишлатилган) билан ёпиштириш орқали амалга оширилди. Асосий иш бошланишидан олдин [5], парчаланиш жараёнини олдини олиш учун материал паст ҳароратда шўрланган ҳолатда сақланган.

Ишни бошлашдан олдин ичаклар сувда эритилиб, туздан яхшилаб ювилади, сўнгра 7x7x7 см ўлчамдаги учбурчак шиллиқ қават кесилади. Сўнгра олинадиган пластинкали протез асосига юпка (0,06) қилиб фиксацияловчи восита суртилади ва олдиндан сувда чайиб тайёрланган учбурчак намуна ёпиштирилади. Фиксацияловчи восита яхши ёпишиши учун 5 дақиқа давомида 1 кг оғирлик остида ушланади. Юк остида ушлаб турилган асос пластинка учбурчакининг стол текислигига параллел бўлиши учун триподга ўрнатилди. Синовдан олдин учбурчак, юқоридан намуна оғирликни осиб қўйиш учун 0,5 см га тозаланди, бу унинг кейинги ажралишига олиб келади, (юкнинг массаси шундай танланганки, ажралиш тахминан учбурчак баландлигининг ярмида содир бўлади), 1 дақиқадан сўнг оғирлик олиб ташланди, бунда ажралиш амалда тўхтайтиди ва узунлиги (L) ўлчанди. (расм 1).



Расм 1. Фиксацияловчи моддаларнинг ёпишиш қобилиятини аниқлаш схемаси.

1 - асосий пластмассанинг субстрати;

2 - хайвонларнинг шиллиқ қавати;

P - материалнинг субстрат билан фиксацияловчи кучи; L - чизик сегменти ажралиш тўхтайтиди.

Материалнинг субстратга ёпишиш кучи (P), ишлатилган юкни мувозанатлаштирадиган, ушбу чизикнинг узунлигига бўлинган ҳолда, фиксацияловчи ва асос пластмасса ўртасидаги боғланишнинг А - фиксацияловчи кучини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$A = P / L, \text{ г / см}$$

Шунга ўхшаш синовлар нам муҳитнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Бунинг учун намуналар ёпиштирилган плиталар 1 соат давомида юк остида сувда сақланади. Шундан сўнг тадқиқот ишлари олиб борилди.

Жадвал 1. Фиксацияловчи моддалар қўллагандан назорат тажрибаси

Қўй ичагидан олинган шиллик парда	Сув билан ишлов беришдан олдин			Сув билан ишлов беришдан кейин (1 соат)		
	L, см	M, г	A _{ўр.} г / см	L, см	M, г	A _{ўр.} г / см
	4,2	0,29	0,07±0,02	4,3	0,13	0,03±0,01

Изох $p < 0,05$ - сув билан намлашдан олдин фиксацияловчи кучга нисбатан фарқлар статистик аҳамиятга эга.

Жадвал 2. Тўлиқ олинадиган протезлар учун адгезивларнинг ёпишиш қобилиятини қиёсий ўрганиш

Фиксацияловчининг номи	Сув билан ишлов беришдан олдин			Сув билан ишлов беришдан кейин (1 соат)		
	L, см	M, г	A _{ўр.} г / см	L, см	M, г	A _{ўр.} г / см
«Corega super Haft-Pulver»	3,83±0,09	8,09	2,12±0,06	3,47±0,10	4,89	1,41±0,04
Pectafix (кукун)	3,47±0,05	4,88	1,40±0,03	3,98±0,10	2,41	0,61±0,02
Pectafix (гел)	4,38±0,10	2,42	0,55±0,10	4,15±0,10	1,54	0,38±0,01
"Lakalut dent» (гел)	2,98±0,10	2,42	0,81±0,02	3,23±0,05	1,86	0,58±0,01

Изох: $p < 0,001$ - сувни тозалашдан олдинги қийматларга нисбатан фиксацияловчилик қобилиятининг статистик жиҳатдан муҳим фарқлари; Барча ўрганилган фиксацияловчи моддалар бошқа фиксацияловчи моддалардан фиксацияловчилик қобилиятида статистик жиҳатдан муҳим ($p < 0,05$) фарқларга эга.

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, сув билан намлангандан кейин субстратнинг фиксацияловчисиз протезга ёпишиш кучи статистик жиҳатдан сезиларли даражада ўзгаради, ammo бу фарқлар усулнинг хатоси ичида эканлигини ҳисобга олиш керак.

Барча керакли тестлар 4 та параллел ҳолатда ўтказилди. Ишнинг ўзи бошланишидан олдин, фиксацияловчисиз назорат тажрибаси ўтказилди, унинг моҳияти қуйидагича: кесилган учбурчак намуна сувда намлангандан сўнг, олдиндан фиксацияловчи воситани қўллагандан, асос пластик пластинкага ёпиштирилади.


Фиксацияловчи воситаларнинг ёпишиш қобилиятини синаш учун энг кўп ишлатиладиган ва юқори сифатли намуналар олинди, улар кукунлар ("Corega super Haft-Pulver", Pectafix) ва геллар ("Lakalut dent"; Pectafix).

Бирок, ушбу услуб анатомик тутилиш омилини ҳисобга олишга имкон бермайди, шунинг учун ушбу техниканинг такрорланиши етарли даражада қониқарли эмас (нисбий хатолик 15% гача).

Шу муносабат билан, клиник ҳолат билан кўпроқ боғлиқ бўлган иккинчи усулни ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бунинг учун биз қуйидаги усулни таклиф қилдик. Фиксацияловчилик даражаси тўғридан-тўғри протез ўрнининг анатомик шаклини қайта ишлаб чиқарадиган гипс моделларида фиксацияловчи моддалар билан мустаҳкамланган олинадиган протезларда баҳоланди.

Тадқиқотлар жағларнинг учта турли гипсли моделлари бўйича ўтказилди, протез ўрнига улашган протез юзаси фиксацияловчи восита

билан ишлов берилди, бу сиртнинг майдони ўртача $\sim 30 \text{ см}^2$ ни ташкил этди.



Расм 2. Жағ моделларида ёпишиш даражасини ўрганиш

Ҳар бир тажрибадан олдин протез ўрнининг табиий шароитларга яқинлаштириш учун гипс модели бир хил ҳажмдаги гелатиннинг суюлтирилган (3%) эритмаси билан суртилган ва 30 дақиқа давомида $100-120^\circ\text{C}$ да қуритилди. Кейин протезнинг маҳкам ўрнатилиши учун 5 дақиқа давомида 2 кг юк ишлатилди. Гипс модели триподда ўрнатилди, сўнгра протезга махсус ўрнатилган идишга кичик металл шарчаларни давомий кўшилиши билан протез моделининг протез ўрnidан ажралиб чиқиши кўзатилади, бундан кейин юкнинг оғирлиги аниқланади (расм 2). Натижалар қониқарлига яқинлашгунча тажриба такрорланди (нисбий хатолик - 7%).

Жадвал 3. Жағ моделлари бўйича аниқланадиган ёпишиш кучи

Фиксацияловчининг номи, №	М _{ур} , г	Адгезия кучи (ўртача)	Фиксацияловчи композицияларнинг мустаҳкамлик қуввати(ўртача; p<0,05) рақамли фиксацияловчи композициялардан фарқланади:
1. Lakalut dent (гел)	122.2	4.2±0.05	2
2. Super Corega (кукун)	263,7	9,0±0,1	1 va 4
3. Pectafix (кукун)	177.0	6.0±0.08	4
4. Pectafix (гел)	97,9	3,3±0,06	2 va 3

Изох: ёпишиш кучи (А) (М/С, г/см²), бу ерда С - протез майдони(~30 см²).

Фиксацияловчилик кучи (А) юкнинг граммдаги (М) коэффиценти майдонга (С) бўлинган ҳолда ҳисобланган:

$$A = M/C, \text{ г/см}^2$$

5. Крапивина И.П. (2010). Результаты лечения перекрута яичек у детей. Бюллетень Северного государственного медицинского университета, (1), 61-62.

ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ И ХИРУРГИЧЕСКОЙ ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ УРОАНДРОЛОГИЧЕСКОЙ ПАТОЛОГИИ У ДЕТЕЙ

Тухтаев Ф.М., Мавлянов Ф.Ш., Мавлянов Ш.Х., Фарухова М.Ф.

Резюме. Цель исследования: Оптимизация хирургической тактики лечения уроандрологической патологии у детей. Материалы и методы. Было проведено открытое проспективное и ретроспективное изучение клинического материала с применением статистических и аналитических методов обследования и лечения 94 пациентов, госпитализированных в отделение детской хирургии Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи Самаркандского филиала в период с 2016 по 2021 гг. по поводу синдрома острой мошонки. Результаты. При определении диагноза «синдром острой мошонки» проводилась ультразвуковое исследование и выявлялись признаки, присущие для перекрута яичка. Было уточнено что, если со времени перекрута яичка прошло меньше 6 часов, возможная жизнеспособность органа составляет от 90 до 100 %, а через 12–24 часа — снижается до 20-50%. Выводы. Следование протокола диагностики, лечения и реабилитационных мероприятий детей разных возрастов с перекрутом яичка позволило установить адекватную ургентную тактику лечения и последующее наблюдение.

Ключевые слова: уроандрология, перекрут яичка, УЗИ, орхиэпидидимэктомия.

УДК: 616.981.21/958.7

СУРУНКАЛИ БРУЦЕЛЛЁЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЁҒЛАРНИНГ ПЕРЕКИСЛИ ОКСИДЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ



Фарманова Махтоб Алимовна¹, Касимов Илхамджан Асомович²

1 - Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш;

2 - Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

ПЕРЕКИСНОЕ ОКИСЛЕНИЕ ЖИРОВ У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМ БРУЦЕЛЛЕЗОМ

Фарманова Махтоб Алимовна¹, Касимов Илхамджан Асомович²

1 - Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г.Бухара;

2 - Ташкентский педиатрический медицинский институт, Республика Узбекистан, г.Ташкент

PEROXIDATION OF FATS IN PATIENTS WITH CHRONIC BRUCELLOSIS

Farmanova Makhtob Alimovna¹, Kasimov Ilkhamdjan Asomovich²

1 - Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara;

2 - Tashkent Pediatric Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: farmanovamaxtoob@gmail.com

Резюме. Назоратимиз остидаги 17-74 ёйда бўлган 85 нафар беморлар олинган. Барча беморларда стандарт умумклиник, серологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилди. Клиник шакллари бўйича беморлар куйидагича тақсимланган: бирламчи сурункали бруцеллёз (БСБ) – 22 та (25,8%) ва иккиламчи сурункали бруцеллёз (ИСБ) – 63 та (74,2%). Тадқиқотда қатнашган беморларнинг 62,3%да субкомпенсация босқичи кузатилган бўлса, 37,7%да – декомпенсация босқичи аниқланди. Анъанавий даво муолажаларини ўтказиши қон зардобида МДА миқдорини статистик ишонарли 1,29 ($P<0,05$) мартаба пасайтирди (2чи жадавлга. Аммо бу кўрсаткич мейрий кўрсаткичларда 1,35 ($P<0,05$) мартаба юқориликча сақланиб қолди. Қон зардобида УАФ ва каталаза фаоллиги 1,16 ($P<0,05$) ва 1,28 ($P<0,05$) мартаба оширган бўлсада назорат гуруҳи кўрсаткичлардан 1,45 ($P<0,05$) ва 1,9 ($P<0,01$) мартаба пастлигича сақланиб қолди. Бу эса антиоксидант тизимининг компенсатор механизмини 1,5 ($P<0,05$) фаоллаштиради, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,68 ($P<0,01$) мартаба пастлигича сақланиб қолди.

Калит сўзлар: Сурункали бруцеллёз, клиника, тахисот, ЛПО.

Abstract. We observed 85 patients aged 17 to 74 years. All patients used standard general, serological, biochemical and statistical methods. Patients according to clinical forms were distributed as follows: primary chronic brucellosis (BCB) - 22 (25.8%) and secondary chronic brucellosis (ICB) - 63 (74.2%). The subcompensation phase was observed in 62.3% of the examined patients, the decompensation phase was detected in 37.7%. Conventional therapies reduced the serum MDA by a statistically significant 1.29 ($P < 0.05$) times (Table 2. However, this figure remained 1.35 ($P < 0.05$) times higher than the normative values. Although catalase activity was increased by 1.16 ($P < 0.05$) and 1.28 ($P < 0.05$) times, the control group was 1.45 ($P < 0.05$) and 1.9 ($P < 0.01$) times which activated the compensatory mechanism of the antioxidant system by 1.5 ($P < 0.05$), but remained 1.68 ($P < 0.01$) lower than the control group.

Keywords: Chronic brucellosis, clinic, diagnosis, LPO.

Бруцеллез дунёдаги энг кенг тарқалган зооноз касалликдир. Бруцеллёзнинг ўзига хос кечиши, инфекциянинг сурункали шаклга ўтиши, ҳамда касалланиш асосан меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида учраши, узоқ муддат меҳнат қобилиятини йўқотилиши ва ногиронликга олиб келиши бруцеллёз муаммосининг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини белгилайди [2]. Бруцеллёз ривожланишида асосий ҳавф гуруҳига

куйидагилар киради: ҳайвонларни алоҳида ўзи парвариш қиладиган шахслар, чорвадорлар, ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар ва уларни қайта ишловчилар. Кейинги йилларда бруцеллёз билан касалланишни ортиши умумий овқатланиш корхоналарида озик-овқат чиқиндиларини утилизация қилиш, йирик шохли ҳайвонлар (қорамол) чиқинди маҳсулотларидан бидизел ва биогазлар ишлаб чиқариш, гўшт ва сут

маҳсулотларини қайта ишлаш, ветеринария ва лаборатория ходимлари орасида кўпаймоқда [11; 12; 14]. Чунки асосий юқиш йўлларига фекал-орал, контакт ва аспирацион йўллари киради. Алиментар юқиш йўли эса бруцелланинг тури, вирулентлиги ва яшаш муддатига боғлиқдир [5].

Хозирги кунда фундаментал тиббиётни ривожланиши биологик мембраналарда липидларнинг перекисли оксидланиш (ЛПО) жараёнларини турли хилдаги касалликларни ўрганишга клиницистларда қатта қизиқиш кузатилмоқда. Хужайра мембраналарнинг ҳолати, ҳамда хужайраларнинг яшовчанлиги оксидант ва антиоксидант тизимларнинг мувозанатига боғлиқ. Турли хил инфекцион омиллар организмда эркин радикалли жараёнларни фаоллаштиради [4, 8]. Натижада кислороднинг фаол шакллари кўпайиб ЛПО жараёнларини жадаллаштиради ва оксидатив стресс ривожланишига олиб келади. Оксидланишли стрессга қарши антиоксидант химоя тизими мавжуд бўлиб, у ҳосил бўлган токсик метаболитларни зарарсизлантиради. Аммо бу тизим фаолиятини бузилиши хужайра мембраналарни емирилишига сабаб бўлади [3, 9]. Антиоксидант тизим фаолиятини ўрганишга қаратилган экспериментал ва клиник тадқиқотларни таҳлил қилиш, бу тизимни инфекцион касалликларда ўзгаришини кўрсатилган [10]. Бруцеллез ривожланишининг молекуляр механизмларини ўрганиш яллиғланиш жараёнлари ва касалликни сурункали шаклига ўтишида антиоксидант ва иммун тизимлар муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатди [4, 8]. Бу жараёнларни тўлиқ комплекс ўрганиш бруцеллезда ЛПО ва антиоксидант тизимнинг аҳамиятини тўлиқ исботлаб бериши мумкин.

Тадқиқот мақсади: сурункали бруцеллез билан оғриган беморларни касалликнинг кечишига кўра липидларнинг перекисли оксидланиш кўрсаткичларини кўриш.

Текширув усуллари. Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва Жондор тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимидаги 85 нафар стационар шароитда даволанган беморлар олинган. Беморларга ташхис кўйишда К.Д. Жалилов томонидан тўлдирилган Г.П. Руднев ва Н.И. Рагоза клиник таснифидан фойдаланилган. Шифохонага келган ҳар бир бемор клиник текширишдан, объектив кўрувдан ўтиб, клиник-эпидемиологик анамнез ва лаборатория текширувлари натижаларига қараб ташхис кўйилган. Клиник шакллари бўйича беморлар куйидагича тақсимланган: бирламчи сурункали бруцеллез (БСБ) – 22 та (25,8%) ва иккиламчи сурункали бруцеллез (ИСБ) – 63 та (74,2%). Бу иккала шаклда жинслар орасидаги фарқлар аниқланмади. БСБда асосан навқирон ёшга ҳос

бўлди, вахоланки ИСБда 73% навқирон, 20,6% – ўртача ёшдагиларга ҳос бўлди. БСБ гуруҳининг барчасида касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган бўлса, ИСБ беморларнинг аксарият қисмида касалликнинг давомийлиги 2–3 йил бўлди (54,1%), 1 йилгача (19,5%) ва 4–5 йил (1,2%). 53 (62,3%) беморларда касалликнинг субкомпенсация босқичи, 32 (37,7%) беморларда эса декомпенсация босқичи кузатилган.

Агглютинация реакциялари - ХАР, РАР ва ПГАР беморларнинг қон зардоби билан кўйилган. ХАР ва РАР да стандарт умумий бруцеллез диагностикаси ишлатилган, ПГАР РФ нинг Н.Ф. Гамалея номидаги “Эпидемиология, микробиология” илмий текшириш институтининг бруцеллезлабораториясидан олинган эритроцитар диагностикаси билан кўйилган. Малонил диальдегид (МДА) микдорини аниқлашда А.И. Андреева ва муаллифлар (1989) усулидан фойдаландик [1]. Каталаза фаоллигини аниқлашда М.А.Коралюк ва муаллифлар (1988) усулидан фойдаланилди [7]. Қон зардобининг умумий антиоксидант фаоллиги маҳсум реактивлар тўпламасидан фойдаланган ҳолда спектрофотометрик усулида аниқланди. Барча олинган рақамларга статистик ишлов берилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Беморлар асосан иситмалаш, ҳолсизлик, бош оғриғи, иштахани пасайиши, қалтираш, терлаш ва шу каби кўринишларга шикоят қилдилар. Аммо уларнинг учраши бирламчи ва иккиламчи сурункали бруцеллезда турлича бўлди. Жумладан, агар БСБ бўлган беморларда ҳолсизлик (68,1%), қалтираш (54,5%), терлаш (45,4%), иситмалаш (81,8%), бош оғриғи (63,6%), уйқунинг бузилиши (41,0%), иштаханинг пасайиши (63,6%), терининг рангпарлиги ва намланиб туриши (40,9%) ҳос бўлса, ИСБда кўпинча ҳолсизлик (79,3%), иситмалаш (74,6%), терлаш (65,1%), бош оғриғи (76,1%), лимфа тугунларининг катталаниши (63,4%) кузатилди.

Шуни айтиш керакки, ҳаракат тизими шикастланиши кўпроқ ИСБ ҳос бўлиб, энг кўп шикастланишлар тизза бўғимида (44,4%) кузатилди, вахоланки қафт-болдир (22,7%) бўғимларининг шикастланиши кўпроқ БСБ аниқланди. Шу билан бирга беморларда ошқозон-ичак шикастланишлари аниқланиб, асосан иштахани пасайиши (59,1%), тил қараш билан қопланиши (59,1%) ва гепатомегалия (50%) кузатилди. Ошқозон-ичак йўллари шикастланиши кўпроқ БСБда кузатилди. Юрак қон-томир тизими ва нафас аъзоларини шикастланиши асосан юрак тонларини бўғиқ ва қаттиқ нафас бўлиши билан тафсиқланиб бирламчи ва иккиламчи бруцеллезда кузатилди. Асаб тизими шикастланиши неврит, уйқунинг бузилиши, бош оғриғи, ҳолсизлик. Бруцеллезни

оғир кечувчи шаклларида жинсий аъзоларнинг ҳам шикастланиши кузатилди.

Олинган натижалар касалликни циклик кечиши, бруцеллаларнинг ўчоқлардан қайтадан қонга ўтиши билан боғлиқ. Шуни айтиш жоизки, бруцеллэзда яллиғланиш жараёнларини кечиши асосан пролифератив характерга эга бўлиб, уларни узоқ муддат давом этиши пролиферация-альтерацияни жадаллашишига ва барча аъзоларни шикастланишига олиб келади. Бруцеллалар эндотелиал хужайраларда эндоваскулит ва васкулопатия, ҳамда гемостазни фаоллашувига олиб келади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, бруцеллалар таъсирида шикастланган эндотелий хемокинлар, цитокинлар, интерлейкин-6 ва адгезия молекулаларини ишлаб чиқаради [6]. Юқорида қайд этилганларнинг барчаси аутоиммун реакциялар ҳисобига тизимли таъсир кўрсатади. Бизнинг фикримизча, тадқиқотларимизда кузатилган кўпчилик аъзо ва тўқималарнинг шикастланиши шу жараёнлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга бирга юқорида қайд этилган жараёнлар хужайравий иммунитетни сусайишига, яқунланмаган фагоцитозга, узоқ муддат бруцеллаларни хужайра ичида паразитланишига ва касалликни сурункали кечишига олиб келади.

Аксарият беморларнинг периферик қонида лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз ва ЭЧТнинг ошганлиги аниқланган. 94,7% беморларда Хеддльсон реакцияси мусбат бўлди, Райт реакцияси юқори титрларни кўрсатди. ПГАР реакциясида барча беморларда мусбат натижа бериб реакциянинг титри РАРни титрига нисбатан юқори бўлди.

Шуни айтиш керакки, бруцеллаларни организмга ва хужайраларга кириши ЛПО билан бевосита боғлиқдир. Бруцеллаларнинг L-трансформацияси уларни ички муҳитга мослашувига, ҳамда уларнинг патогенлик хусусиятларини хужайра ичида узоқ муддат

сақланиб қолишига ва касалликни қайталанишига олиб келади. Шунингдек, биз беморларнинг қон зардобиди ЛПО жараёнларини МДА миқдори билан баҳоладик. Ўтказилган тадқиқотлар бруцеллэз билан касалланган беморларда МДА миқдори 1,82 маротаба ($P<0,001$) ортиши аниқланди (1чи жадвалга қаранг). Агар БСБда бу кўрсаткич 1,73 маротаба ($P<0,001$) ортган бўлса, ИСБда унинг ортиши 1,87 ($P<0,001$) маротаба кўтарилди. Шуни айтиш жоизки, касалликнинг субкомпенсация босқичида МДА миқдори меърий кўрсаткичларга нисбатан 1,74 ($P<0,001$) ортган бўлса, декомпенсация босқичида 2,37 ($P<0,001$) маротаба ортиши кузатилди. Бу эса касалликни босқичларига кўра эркин радикалли жараёнларни жадаллашиб боришини кўрсатади.

Маъмумки, эркин оксидланишни меърий баллансини таъминлашда антиоксидант ҳимоя тизими муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда қон зардобининг антиоксидант тизимини баҳолашда умумий антиоксидант фаоллик ва каталаза ферменти фаоллиги аниқланади. Сурункали бруцеллэз бўлган беморларнинг қон зардобиди умумий антиоксидант фаолликини аниқлаш бу кўрсаткични пасайиб боришини кўрсатди. Жумладан, БСБда бу кўрсаткич 1,9 ($P<0,001$) маротаба пасайган бўлса, ИСБ - 1,46 ($P<0,01$) маротаба пасайди. Касалликнинг субкомпенсация даврида қон зардобининг умумий антиоксидант фаоллиги 1,46 ($P<0,01$) маротаба пасайган бўлса, декомпенсация даврида 2,08 ($P<0,001$) маротаба пасайди. Қон зардобиди каталаза фаоллигини аниқлаш, беморларда бу кўрсаткични камайишини кўрсатди. Жумладан, БСБ ва ИСБ гуруҳ беморларда каталаза фаоллиги 1,98 ($P<0,001$) ва 1,85 ($P<0,001$) маротаба сусайди. Субкомпенсация ва декомпенсация босқичларида ферментнинг фаоллиги 1,41 ($P<0,05$) ва 1,51 ($P<0,01$) маротаба пасайиши кузатилди.

Ҳозирги вақтда кўрсаткичларнинг нафақат абсолют рақамлари, балки асосий параметрларнинг нисбати ҳам келтирилмоқда.

Жадвал 1. Сурункали бруцеллэзнинг шаклига кўра ЛПО ва антиоксидант тизими фаоллигини ўзгариши

Гуруҳлар	МДА, нмоль/мл		Умумий антиоксидант фаоллик, ммоль/л		Каталаза фаоллиги, МЕ104/мл		УАФ/МДА, нисбий бирлик	
	М	SD	М	SD	М	SD	М	SD
Назорат гуруҳи, 20	2,82	0,12	1,58	0,08	5,89	0,3	0,560	0,021
СБ, 85	5,12	0,36*	0,97	0,04*	3,04	0,13*	0,189	0,09*
БСБ, 22	4,87	0,41*	0,83	0,05*	2,98	±0,19*	0,170	0,02*
ИСБ, 63	5,26	0,32*	1,08	0,06*	3,17	0,24*	0,205	0,014*
Субкомпенсация, 53	4,92	0,28*	1,08	0,06*	4,17	0,22*	0,171	0,012*
Декомпенсация, 32	6,67	0,41*	0,76	0,03*	3,87	0,26*	0,094	0,006*

Изоҳ: * - назорат ва сурункали бруцеллэзли беморлар кўрсаткичлари орасида фарқлар статистик ишонарли ($P0,05$).

Жадвал 2. Сурункали бруцеллэзни даволашни ЛПО ва антиоксидант тизими фаоллигига таъсири

Кўрсаткичлар		Назорат гуруҳи, 20	Анъанавий даво, 39	
			даводан олдин	даводан сўнг
МДА, нмоль/мл	M	2,82	4,93	3,81
	SD	0,12	0,23*	0,26*,a
Умумий антиоксидант фаоллик, ммоль/л	M	1,58	1,09	1,27
	SD	0,08	0,06*	0,05*,a
Каталаза фаоллиги, ME104/мл	M	5,89	3,10	3,98
	SD	0,3	0,21*	0,11*,a
УАФ/МДА, нисбий бирлик	M	0,561	0,221	0,333
	SD	0,021	0,010*	0,03*,a

Изоҳ: * - назорат ва сурункали бруцеллэзли беморлар кўрсаткичлари орасида фарқлар статистик ишонарли ($P < 0,05$); а-даводан олдинги кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли ($P < 0,05$).

Шунинг учун биз қон зардобининг умумий антиоксидант фаоллигини МДА миқдорига бўлдиқ. Бу антиоксидант тизимнинг компенсатор механизмларини кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлар сурункали бруцеллэз билан касалланган беморларда қон зардобининг умумий антиоксидант кўрсаткичини касалликни нафақат шаклига, балки босқичига кўра пасайиши аниқланди. Жумладан, энг кучли пасайишлар БСБ ва, айниқса, касалликнинг декомпенсация босқичига хос бўлди.

Маълумки, инфекцион агентлар эркин радикалли жараёнларни фаолланишига ва ЛПО жадаллашишига олиб келади. Узоқ муддат ЛПО жадаллашиши антиоксидант химоя тизимини сусайтиради, бу эса патологик жараённи сурункали тус олишига сабаб бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, Kasım Karahocagil ва ҳаммуаллифлар (2012) тадқиқотларида СБли беморларнинг қон зардобидида перекисли радикалларни ва миелопероксидаза ферменти фаоллигини ошириши, каталаза фаоллигини ингибирланиши аниқланган [10]. Murat Usta ва ҳаммуаллифларнинг (2012) тадқиқотларида ҳам бруцеллэз билан касалланганлар қон зардобидида ЛПО фаоллашуви умумий оксидант ҳажми ва оксидант стресс индексини кескин ортиши, ҳамда қон зардобининг умумий антиоксидант хусусиятини сусайиши аниқланган [13]. Муаллифларнинг фикрига кўра, бруцеллаларни персистенцияси хисобига сурункали оксидланувчи стресс кузатилиб, “оксидланишли портлаш” вужудга келади.

Демак, СБда ЛПО жадаллашиши, умумий антиоксидант химоя ва каталаза фаоллиги қон зардобидида пасайиши кузатилиб, бундай ўзгаришлар антиоксидант химоя тизимининг компенсатор механизмини сусайиб боришидан далолат беради.

Анъанавий даво муолажаларини ўтказиш қон зардобидида МДА миқдорини статистик ишонарли 1,29 ($P < 0,05$) маротаба пасайтирди (2чи жадвалга. Аммо бу кўрсаткич мейрий

кўрсаткичларда 1,35 ($P < 0,05$) маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Қон зардобидида УАФ ва каталаза фаоллиги 1,16 ($P < 0,05$) ва 1,28 ($P < 0,05$) маротаба оширган бўлсада назорат гуруҳи кўрсаткичлардан 1,45 ($P < 0,05$) ва 1,9 ($P < 0,01$) маротаба пастлигича сақланиб қолди. Бу эса антиоксидант тизимининг компенсатор механизмини 1,5 ($P < 0,05$) фаоллаштиришда, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,68 ($P < 0,01$) маротаба пастлигича сақланиб қолди.

Албатта юқорида қайд этилган ижобий натижалар касалликни кечишига ҳам таъсир этди, беморларнинг шикоятлари камайди, турли тизимлардаги ўзгаришларнинг маълум даражада регресси кузатилди. Жумладан, анъанавий даводан сўнг иситма бутунлай йўқолди, ҳолсизлик, қалтираш ва терлаш 1,81; 15,36 ва 6,03 маротаба камайди. Бош оғриғи, уйқунинг бузилиши, терининг рангпарлиги ва тери намлиги 4,0; 5,02; 3,03 ва 9,5 маротаба камайди. Лимфа тугунларини катталаниши анъанавий давода 46,1% дан 5,1%гача камайди.

Хулоса:

1) Сурункали бруцеллезда МДА миқдорини ортиши, антиоксидант химоя тизимини сусайиши ва антиоксидант тизими компенсатор имкониятларини пасайиши билан кечиб, уларнинг ўзгариши каасалликнинг оғирлигига боғлиқ.

2) Сурункали бруцеллэзни анъанавий даволаш МДА миқдорини пасайишига, антиоксидант химоя тизими ва унинг компенсатор имкониятларини фаоллашувида олиб келди, аммо тўлиқ тикланиши кузатилмади. Бу эса маълум даражада шикоятлари сақланиб қолишига олиб келди. Бу эса даволаш тактикасини такомиллаштиришни таклиф этади.

Адабиётлар:

1. Андреева Л. И., Кожемякин Л.А., Кишкун А.А. Модификация метода определения перекисей липидов в тесте с тиобарбитуровой кислотой // Лаб. дело. – 1988. – №1. – С.41-43.

2. Атаходжаева Д.Р., Касимов И.А. Бруцеллезни даволашда самарадорликни ошириш усули. Услубий қўлланма.- Ташкент, 2018.- 18с.
3. Борисов В.А., Малов И.В., Аитов К.А. Антропозоонозы в практике участкового врача: монография. Иркутск: Отгиск, 2008. 218 с.
4. Гаджиева Л.А. Функциональное состояние почек, иммунной и антиоксидантной систем у больных бруцеллезом женщин // Дисс....к.м.н.-Махачкала, 2019.- 133с.
5. Демченко В.Г., Сафонова А.Д., Рудакова Н.В. и Еренниева С.И. Современные гигиенические, эпидемиологические и клинические аспекты бруцеллеза//В кн. Санитарно-гигиенические и клинико-иммунологические аспекты профессионального бруцеллеза в современных условиях. Коллективная монография.- СПб.: ТЕССА, 2014.- 220с. С.15-18.
6. Дубровина В.И., Коновалова Ж.А., Ястремская К.Ю., Баранникова Н.Л., Токарева Л.Е., Балахонов С.В. Механизмы клеточного иммунного ответа при бруцеллезе. // Эпидемиология и Вакцинопрофилактика.- 2016.- Т.91, №6.- С.80-87.
7. Коралюк М.А., Иванова Л.И., Майорова И.Г. Определение активности каталазы // Лаб. дело. – 1988. – №1. – С. 16-19.
8. Халилов Р.А., Джафарова А.М., Астаева М.Д. Оценка состояния прооксидантно-антиоксидантной системы крови и некоторых морфофункциональных параметров эритроцитов у больных хроническим бруцеллезом /The Journal of scientific articles “Health and Education Millennium”, 2016. Vol. 18. No 9. С.77-80.
9. Karaagac L., Koruk S.T., Koruk I., Aksoy N. Decreasing oxidative stress in response to treatment in patients with brucellosis: could it be used to monitor treatment? // International Journal of Infectious Diseases.- 2011.- Vol.15.- P.346–349.
- 10.Karahocagil M.K., Aslan M., Ceylan M. R., Cikman A., Sunnetcioglu M., Kucukoglu M.E., Taskin A. Serum myeloperoxidase activity and oxidative stress in patients with acute brucellosis // Clinical Biochemistry.- 2012.- Vol.45(10–11).- P.733-736.
- 11.Knudsen A., Kronborg G., Dahl Knudsen J., Lebech A.M. Laboratory exposure to *Brucella melitensis* in Denmark: a prospective study // J. Hosp. Infect. 2013. V. 85, N 3. P. 237-239.
- 12.Kumar P., Jain V.K., Kumar A. et al. Clinical and hemato-biochemical studies on fever of unknown origin in buffaloes. Vet World. 2015 Oct;8(10):1225-9. doi: 10.14202/vetworld.2015.1225-1229. Epub 2015 Oct 23.
- 13.Usta M. Aras Z., Tas A. Oxidant and antioxidant parameters in patients with *Brucella canis* // Clinical Biochemistry.- 2012.- Vol.45(4-5).- P.366-367.
- 14.Zhang T., Liang X., Zhu X., Sun H., Zhang Sh. An outbreak of Brucellosis via air-born transmission in a kitchen wastes disposing company in Lianyungang, China. // International Journal of Infectious Diseases.- 2020.- Vol.96.- P.39-41.

ПЕРЕКИСНОЕ ОКИСЛЕНИЕ ЖИРОВ У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМ БРУЦЕЛЛЕЗОМ

Фарманова М.А., Касимов И.А.

Резюме. Под нашим наблюдением находились 85 пациентов в возрасте от 17 до 74 лет. У всех пациентов применяли стандартные общие, серологические, биохимические и статистические методы. Больные по клиническим формам распределились следующим образом: первичный хронический бруцеллез (БХБ) - 22 (25,8%) и вторичный хронический бруцеллез (ВХБ) - 63 (74,2%). Фаза субкомпенсации наблюдалась у 62,3% обследованных больных, фаза декомпенсации выявлена у 37,7%. Традиционная терапия снижала МДА в сыворотке статистически значимо в 1,29 ($P < 0,05$) раза (табл. 2). Однако этот показатель оставался в 1,35 ($P < 0,05$) раза выше нормативных значений. Хотя активность каталазы повышалась в 1,16 ($P < 0,05$) и 1,28 ($P < 0,05$) раза, контрольная группа в 1,45 ($P < 0,05$) и 1,9 ($P < 0,01$) раза активировала компенсаторный механизм антиоксидантной системы в 1,5 ($P < 0,05$), но осталась 1,68 ($P < 0,01$) ниже, чем в контрольной группе.

Ключевые слова: Хронический бруцеллез, клиника, диагностика, ПОЛ.



Ҳамидова Наргиза Қосимовна

Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

КЛИНИКО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ГИМЕНОЛЕПИДОЗА СРЕДИ ДЕТСКОГО НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДА БУХАРЫ

Ҳамидова Наргиза Қосимовна

Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

CLINICAL AND EPIDEMIOLOGICAL ASPECTS HYMENOLEPIASIS AMONG CHILDREN BUKHARA

Khamidova Nargiza Kosimovna

Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: info@bdti.uz

Резюме. Тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатдики, болаларнинг турли ёш гуруҳларида гименолепидознинг нисбати тахминан бир хил ва $19,0 \pm 3,9$ дан $31,4 \pm 7,8\%$ гача. Шу билан бирга, 4 ёшгача бўлган болалар орасида жуда юқори кўрсаткич кўрқинчли ($19,0 \pm 3,9\%$). Гименолепидознинг аниқ клиник шакли кўрсаткичлари ҳам аниқ чегараланган эмас ва $21,5 \pm 5,1$ дан $30,8 \pm 5,7\%$ гача ўзгарган, гименолепидознинг субклиник шакли $12,3 \pm 5,5$ дан $31,4 \pm 7,8$ гача. Ички деворларнинг шиллиқ қаватида сингиб кетган паразит илгаклари, тана ҳароратининг субфебриллиги (одатда $37,5^\circ$ гача кўтарилади, камдан – кам ҳолларда $38,0^\circ$ гача кўтарилади) натижада ўртача ўткир қорин оғриғи, ўртача нормо-каби белгилар ва гипохромик анемия (қонда гемоглобин даражасининг 100г/л га камайиши ва ундан ҳам кам), жигарда ўртача ўсиш ва бошқалар кўп болаларда юқори частотада кузатилган - $65,7 \pm 8,1$ дан. $83,1 \pm 4,7\%$. Манифест шаклида эпилептик тўтилишлар, кўпинча қонда аралашган диарея, дисбиоз, аксарият болаларда қайд этилган - $67,7 \pm 8$ дан $87,7 \pm 4,1\%$ гача. Болалар орасида иммунитетнинг кенг тарқалган пасайиши, бир томондан, кўзгатувчилар томонидан антигельминт препаратларга чидамликнинг пайдо бўлишига, иккинчи томондан, гименолепидознинг клиник кўринишининг ўзгаришига ёрдам беради. Баъзи клиник белгилар сусаяди ёки бутунлай йўқолади ва уларнинг ўрнида бошқа аломатлар пайдо бўлади. Натижада, гименолепидозни ўз вақтида ва ишончли клиник диагностика қилиши ва айниқса, амалиёт шифокорлар томонидан унинг асосий шакллари дифференциация қилиши мураккаблашади. Бу борадаги бизнинг тадқиқотимиздан мақсад Бухоро шаҳрининг болалар аҳолиси орасида гименолепидознинг клиник шакллари ўрганиш эди.

Калит сўзлар: гименолепидоз, гельминтозлар, болалар, манифест, камқонлик.

Abstract. The data showed that the proportion of hymenolepiasis in different age groups of children about the same and vary from $19,0 \pm 3,9$ to $31,4 \pm 7,8\%$. In this rather alarming high rate among children aged less than 4 years ($19,0 \pm 3,9\%$). Indicators symptomatic clinical form hymenolepiasis had severe confinement and age ranged from $21,5 \pm 5,1$ to $30,8 \pm 5,7\%$, with subclinical form hymenolepiasis ranged from $12,3 \pm 5,5$ to $31,4 \pm 7,8$. Symptoms such as regular acute abdominal pain due to trauma of the mucous membrane of the intestinal wall hooks embedded parasite, subfebrile body temperature (usually marked increase to $37,5^\circ$, at least until $38,0^\circ$), moderately expressed normal and hypochromic anemia (marked reduction hemoglobin in the blood to 100 g/l or less), moderate enlargement of the liver pr., observed with high frequency in many children - up to $65,7 \pm 8,1$; $83,1 \pm 4,7\%$. In the manifest form, epileptiform convulsions, frequent diarrhea mixed with blood, and dysbacteriosis are noted, which were recorded in most children - from $67,7 \pm 8$ to $87,7 \pm 4,1\%$ of cases. The widespread decrease in the immune status among children, on the one hand, and the acquisition by pathogens of resistance to anthelmintics, on the other hand, contribute to the fact that the clinical picture of hymenolepiasis is undergoing changes. Some symptoms weaken or disappear altogether, and other symptoms appear in their place. As a result, timely and reliable clinical diagnosis of hymenolepiasis and especially the differentiation of its main forms by practitioners is complicated. In this regard, the purpose of our study was to study the clinical forms of hymenolepiasis among the child population of Bukhara.

Долзарблиги. Гименолепидоз - инсоннинг энг кенг тарқалган гельминтозларидан бири бўлиб, соғлиқни сақлаш чоралари комплексининг номукамаллиги туфайли амалий соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ҳозирги вақтда унинг олдини олиш бўйича далилларга асосланган чора-тадбирлар мавжуд эмас [1, 2, 3, 9]. Гименолепидоз (контагиозли гельминтоз)нинг ўтиш механизмининг хусусиятлари уни қийин назорат қилинадиган касаллик ҳолатига келтиради. Ушбу касаллик ҳатто нисбатан қулай гигиеник шароитларда ҳам жуда кенг тарқалган. Болалар орасида иммунитетнинг кенг тарқалган пасайиши, бир томондан, кўзғатувчилар томонидан антигельминт препаратларга чидамлилигининг пайдо бўлишига, иккинчи томондан, гименолепидознинг клиник кўринишининг ўзгаришига ёрдам беради [4, 5, 6, 7, 8]. Баъзи клиник белгилар сусаяди ёки бутунлай йўқолади ва уларнинг ўрнида бошқа аломатлар пайдо бўлади. [11]. Натижада, гименолепидозни ўз вақтида ва ишончли клиник диагностика қилиш ва айниқса, амалиёт шифокорлар томонидан унинг асосий шакллари дифференциация қилиш мураккаблашади. [10]. Бу борадаги бизнинг тадқиқотимиздан мақсад Бухоро шаҳрининг болалар аҳолиси орасида гименолепидознинг клиник шакллари ўрганиш эди. [12]

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Бухоро шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларида паразитологик кўрикдан ўтказилганда аниқланган 4-15 ёшли 65 нафар манифест ва 35 нафар гименолепидознинг субклиник шакллари билан оғриган болалар ўртасида иш олиб борилди. Узлуксиз кузатишлар ва текширувлар, болалар ва уларнинг ота-оналарини батафсил сўроқ қилиш натижасида гименолепидознинг турли хил шакллари клиник белгилари қайд этилди.

Гименолепидоз диагностикаси копроовоскопия ёрдамида амалга оширилди. Нажас гименолепидоз кўзғатувчиси – пакана гижжа

гельментининг ривожланиш циклининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 2-3 ҳафталик интервал билан 3 марта олинган. Бундан ташқари, янги материални текшириш керак (эрта-лабки нажас намунаси). Маълумотларнинг статистик таҳлили тадқиқот сўровларига мувофиқ тузилган Microsoft Excel электрон жадвал дастури ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш. Болалар орасида касалликларнинг паразитар инвазиясига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини ёш тақсимоли бўйича баҳолаш керак деган хулоса қабул қилинган. Биз ҳам ушбу усулдан фойдаландик ва гименолепидоз билан касалланган болаларни ёш гуруҳларига бўлдиқ (1-жадвал).

Шу билан бирга, статистик маълумотлар (амбулатория карталари) етарли даражада маълумотга эга эмас, чунки улардан болалар ўртасида гименолепидознинг ҳақиқий тарқалишини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин эмас. Болаларни тўлиқ клиник ва паразитологик текшириш натижасида аниқланган гименолепидознинг объектив клиник белгиларининг таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотларда аниқ бир қонуният йўқ. Шундай қилиб, турли ёш гуруҳларида гименолепидознинг солиштирма оғирлиги тахминан бир хил ва $19,0 \pm 3,9$ дан $31,4 \pm 7,8\%$ гача ($C^2 = 2,50$; $p > 0,05$) ўзгариб туради. Бирок, 4 ёшгача бўлган болалар ($19,0 \pm 3,9\%$) орасида жуда юқори кўрсаткич ташвишлидир, бу эса касаллик юқишининг контакт механизми билан боғлиқ.

Гименолепидознинг манифест клиник шаклини кўрсаткичлари ҳам аниқ ёшга боғлиқ чегараланишга эга эмас ва $21,5 \pm 5,1$ дан $30,8 \pm 5,7\%$ гача ($\chi^2 = 3,36$; $p > 0,05$) ўзгариб туради. Гарчи бу шакл, болаларнинг ёши ошгани сайин, кўзғатувчиларнинг тўпланиши туфайли кўпайиши керак бўлса-да, қўшимча равишда, бу шаклда 4 ёшгача бўлган болалар орасида кўрсаткич жуда юқори ($21,5 \pm 5,1\%$).

Жадвал 1. Ўтказилган таҳлил асосида гименолепидознинг турли хил шакллари клиник белгилари оғирлиги

Ёш гуруҳлари, ёши	Гименолепидоз					
	Жами ($n = 100$)		Манифест шакли ($n = 65$)		Субклиник шакли ($n = 35$)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
< 4	19	$19,0 \pm 3,9$	14	$21,5 \pm 5,1$	5	$12,3 \pm 5,5$
4-7	26	$26,0 \pm 4,4$	18	$27,7 \pm 5,6$	8	$22,9 \pm 7,1$
8-11	24	$24,0 \pm 4,3$	13	$20,0 \pm 4,9$	11	$31,4 \pm 7,8$
12-15	31	$31,0 \pm 4,6$	20	$30,8 \pm 5,7$	11	$31,4 \pm 7,8$
Жами:	100	100,0	65	$65,0 \pm 4,7$	35	$35,0 \pm 4,7$

Жадвал 2. Гименолепидознинг турли шакллари бўлган болалар орасида объектив клиник белгиларни таҳлил қилиш

Клиник белгиси	Клиник шакллари				Фарқнинг аҳамияти	
	Манифест шакли (n = 65)		Субклиник шакли (n = 35)			
	абс.	%	абс.	%	χ^2	p
Субфебрил тана ҳарорати	53	81,5 ± 4,9	26	74,3 ± 7,5	0,53	> 0,05
Диспептик кўринишлар:						
кўнгил айниши, қусиш	10	15,4 ± 4,5	3	8,6 ± 4,8	0,93	> 0,05
Қон аралаш ич кетиши	44	67,7 ± 5,8	10	28,6 ± 7,7	14,02	< 0,01
иштаҳани йўқолиши, чанқоқлик	21	32,3 ± 5,8	22	62,9 ± 8,3	8,66	< 0,01
Астеноневротик синдром:						
астения, асабийлашиш	31	47,7 ± 6,2	6	17,1 ± 6,5	9,11	< 0,01
Бош оғриғи	27	41,5 ± 6,2	10	28,6 ± 7,7	1,64	> 0,05
бош айланиши	7	10,8 ± 3,9	19	54,3 ± 8,5	22,39	< 0,01
Аллергик кўринишлар:						
Уртикар тошмалар	23	35,4 ± 6,0	12	5,7 ± 4,0	10,68	< 0,01
вазомоторли ринит	36	55,4 ± 6,2	21	34,3 ± 8,1	4,06	< 0,05
Тери қичиши	6	9,2 ± 3,6	2	60,0 ± 8,4	29,75	< 0,01
Дисбактериоз	53	81,5 ± 4,9	3	8,6 ± 4,8	49,16	< 0,01
Бекарор нажас	12	18,5 ± 4,9	32	91,4 ± 4,8	49,16	< 0,01
Ичак шикастланиши	54	83,1 ± 4,7	29	82,9 ± 6,5	0,01	> 0,05
Ўртача қийматдаги анемия	52	80,0 ± 5,0	27	77,1 ± 7,2	0,36	> 0,05
Эпилептик шаклли тутқаноқлар	57	87,7 ± 4,1	14	40,0 ± 8,4	25,13	< 0,01
Тана вазнининг пасайиши	21	32,3 ± 5,8	29	82,9 ± 6,5	23,25	< 0,01
Қорин бўшлиғидаги сикилишлар	3	4,6 ± 2,6	33	94,3 ± 4,0	79,40	< 0,01
Жигарнинг ўртача катталаниши	47	72,3 ± 5,6	23	65,7 ± 8,1	0,74	> 0,05

Юқоридагилар 12,3 ± 5,5 дан 31,4 ± 7,8 гача ($\chi^2 = 0,36$; $p > 0,05$) ўзгариб турадиган гименолепидознинг субклиник шаклига тўлиқ тааллуқлидир. Шу ердан, гименолепидоз диагностикасида мавжуд камчиликлар ҳақиқати маълум, айниқса, унинг клиник шакллари дифференциациясида. Умуман олганда, бу ҳолатни инобатга олган ҳолда болаларга гельминтологик ёрдам кўрсатиш ҳолатини қониқарли деб баҳолаш мумкин. Бироқ, аҳолининг тиббий муассасаларга камроқ мурожаат қилиши ва уйда даволанишни афзал кўриши жиддий ташвиш туғдириши керак ва шунинг учун бу ҳолатнинг сабабларини аниқлаш лозим. Амбулатор шифокорлар маълум қиладиган бундан ҳам ёқимсиз жиҳат шундаки, гельминтоз билан оғриган болаларнинг ота-оналари томонидан мустақил равишда даволаш ҳолатларининг тез-тез учраб туради ва фақат такрорий муваффақиятсиз уринишлардан кейин тиббиёт муассасига мурожаат қилашади.

Объектив клиник белгилар, субъектив белгилар каби, гименолепидозни ташхислашда жуда аҳамиятлидир. Ичак деворларининг шиллик қаватининг киритилган паразитнинг илгаклари билан травматизацияси натижасида қорин бўшлиғида мунтазам ўткир оғриқлар, субфебрил тана ҳарорати (одатда 37,5 ° С гача, баъзида 38,0 ° С гача кўтарилиши кузатилади) каби белгилар,

ўртача қийматли норма - ва гипохром анемия (қонда гемоглобин даражасининг 100 г/л гача ва ундан камроқ пасайиши), жигарнинг ўртача катталаниши ва бошқалар кўп болаларда юқори частотада кузатилган - 65,7 ± 8,1 дан 83,1 ± 4,7% гача ($\chi^2 = 3,87$; $p < 0,05$). Бундан ташқари, бу аломатлар паразитологик хизмат кўрсатадиган шифокорларда учрайди, бу эса болаларни синчковлик билан текширишда гельминтозларни ташхислаш катта қийинчиликларга боғлиқ бўлмаслиги ва нотўғри натижаларга олиб келмаслиги керак. Бундан ташқари, 2-жадвалда гименолепидоз диагностикаси билан бир қаторда унинг клиник шакллари ҳам дифференциация қилиш имкони берадиган клиник белгилар кўрсаткичлари келтирилган.

Манифест шаклда бундай белгилар эпилептик шаклдаги тутқаноқларни, қон аралаш ич кетишларни, дисбактериозни ўз ичига олади, улар кўпчилик болаларда қайд этилган - 67,7 ± ,8 дан 87,7 ± 4,1% гача ҳолатларда ($\chi^2 = 7,50$; $p < 0,01$). Ушбу клиник белгиларнинг субклиник шаклда учраши анча кам ($\chi^2 = 7,16$; $p < 0,01$) ва шунинг учун уларнинг диагностик аҳамияти катта эмас - 8,6 ± 4,8 дан 40,0 ± 8,4% гача ($\chi^2 = 9,40$; $p < 0,01$).

Манифест шаклда сезиларли даражада учрайди қуйидаги клиник белгилар - астеноневротик синдром: умумий астения, бош оғриғи, бош айланиши - 41,5 ± 6,2 дан 55,4 ± 6,2% гача ($\chi^2 =$

2,49; $p > 0,05$). Бу субклиник шаклда сезиларли даражада паст бўлади ($c^2 = 0,86$; $p > 0,05$) - $17,1 \pm 6,5$ дан $34,3 \pm 8,1\%$ гача ($c^2 = 1,14$; $p > 0,05$).

Ўзига хос, диагностик аҳамиятга эга бўлган клиник белгилар гименолепидознинг субклиник шаклига ҳам хосдир. Шундай қилиб, клиник белгилар болалар орасида жуда кўп учрайди – тана вазнини пасайиши, терининг қичиши, иштаҳанинг йўқолиши, беқарор нажас - $60,0 \pm 8,4$ дан $91,4 \pm 4,8\%$ гача ($c^2 = 9,40$; $p < 0,01$). Манифест шаклдаги бу клиник белгиларнинг частотаси камроқ эди ва шунинг учун улар диагностика учун жуда кам қўлланилди ($c^2 = 7,16$; $p < 0,01$) - $9,2 \pm 3,6$ дан $32,3 \pm 5,8\%$ гача ($c^2 = 10,52$; $p < 0,01$). Субклиник шаклнинг қолган белгилари муҳокама қилинган эди, улар камроқ тарқалган. Ушбу шаклнинг энг кенг тарқалган объектив клиник белгисига алоҳида эътибор қаратиш лозим - қорин бўшлиғидаги сиқилишларга, улар бир неча кунлик интерваллар билан ўткир хуружлар ёки доимий оғриқлар бўлиб, улар $94,3 \pm 4,0\%$ болаларда учрайди.

Хулоса. Гименолепидознинг аниқланган белгилари бу касаллик қандай тизимли характерга эга эканлигини, тананинг аъзолари ва тизимларига патоген таъсир кўрсатишини аниқ далилидир. Гименолепидознинг бундай юқори даражаси ва унинг организмга патоген таъсири болаларнинг заиф иммун тизими, уларнинг танасининг ўзига хос бўлмаган химоя функцияларининг заифлиги билан боғлиқлигини тахмин қилиш қийин эмас (ва сўнгги адабиёт маълумотлари буни тасдиқлайди).

Гельминтозларни, шу жумладан гименолепидозни ўз вақтида ва тўғри ташхислашнинг аҳамияти ҳаммага маълум, чунки уни малакали даволаш қанчалик эрта амалга оширилса, шунчалик юқори терапевтик самарага эришилади. Бундан ҳам муҳими, бу инвазиянинг клиник шакллари ўз вақтида дифференциация қилиш ҳисобланади. Ҳақиқат шундаки, агар инвазиянинг субклиник шаклининг илғор босқичлари ўзига хос антигельментли дори-дармонларни тўғри танлаш билан тўлиқ даволаш мумкин бўлса, унда унинг манифест шаклининг илғор босқичларини даволаш қийин ва болалар саломатлигига жиддий зарар етказиши. Шу билан бирга, амалий шифокор-паразитологлар болаларни амбулатория шароитида ҳам, уйда ҳам текширишда нафақат гельминтознинг турини, балки унинг клиник шакллари ва дарҳол ташхис қўйиш имконини берадиган очиқ ва объектив кадастр кўрсаткичлари билан қуролланган бўлиши керак, инвазияда даволашни бошлашлари ва унинг оғир ҳолатларида болаларни ихтисослаштирилган болалар тиббиёт муассасаларига юборишлари лозим. Юқоридагиларга қўшимча қилиш керакки, паразитологларнинг амбулатор даража-

сидаги иши фаол профилактика характерига эга бўлиши керак, яъни касал болалар тиббий ёрдам сўраб ёки шифокорларни уйларига чақирганда. Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатадики, ҳудудий ажратилган болалар муассасаларига вақти-вақти билан ташриф буюриш турли сабабларга кўра ҳозирда тиббий ёрдамга мурожаат қилмайдиган гельминтозлар билан оғриган кўплаб болаларни аниқлаши мумкин. Ишнинг бундай шакллантирилишининг самарадорлиги 7 ёшгача бўлган болаларнинг кўпчилиги мактабгача таълим муассасаларига бориши ва 7-15 ёшдаги деярли барча болалар мактабларга бориши билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳудудий болалар муассасаларига ташриф буюрганда, алоқа қилиш ва кейинчалик ҳатто соғлом болаларни паразитологик текширувга олиб келишга тайёр бўлган болаларнинг ота-оналари билан тегишли санитария-маърифий ишларни қамраб олиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Азимова Н.М. Клинико-иммунологические показатели гименолепидоза и лямблиоза у детей с интоксикацией ЦНС // Сборник тезисов 4-го съезда неврологов Узбекистана. - Ташкент, 2012. - С. 167.
2. Поляков В.Е., Лысенко А.Я., Константинова Т.Н., Авдюхина Т.И. Гименолепидозы у детей и подростков // Медицинская помощь. - 2015. - № 5. - С. 43-48.
3. Oblokulov A. R., Elmurodova A. A., Khadieva D. I., Pondina A. I. (2020) Improved methods of treatment of patients with chronic giardiasis using "Diform" // New Day in Medicine. 4(32) - pp. 560-562.
4. Хамидова Н.К. Клинико-эпидемиологическая характеристика гименолепидоза у детей // Новый день медицины. Ташкент 2020г.с.441-443.
5. Oblokulov A. R., Niyazov G. E., Oblokulov A. A., Narziev B. I. (1999) Features of the course of giardiasis in adults // Infection, immunity and pharmacology. -1999. - p. 151-156.
6. Kilincel O., Ozturk C.E., Gun E., Uzun H. A rare case of Hymenolepis diminuta infection in a small child // Mikrobi- yol Bul. - 2015 Jan. - № 49(1). - P 135-8.
7. Хамидова Н.К. Клинико-иммунологические показатели гименолепидоза с аллергическим ринитом у детей в зависимости от вида терапии // Central Asian Journal Of Medical and Natural Sciences.-11.11.2021.-P. 331-333.
8. Khamidova N.K. Clinical and Immunological Study of the Effect of Different types of Therapy on the Course of Allergic Rhinitis in Children with Hymenolepiasis. Annals of the Romanian Society for Cell Biology. -2021. - P.1900–1908.

9. Lin R.J., Chen C.Y., Lu C.M., Ma Y.H. Anthelmintic constituents from ginger (*Zingiber officinale*) against *Hymenolepis nana* // *Acta Trop.* - 2014 Dec. - № 140. - P. 50-60.

10. Mirzoeva M.R., & Khamidova N.K. (2020). Clinical and epidemiological characteristic of hymenolepidosis children // *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal.* – 2020. – P. 169-173.

11. Аслонова М.Р. Возникновение Случаев Гиповитаминоза Из-За Гельминтозов // *Central Asian Journal Of Medical And Natural Sciences.* – 2021.- С. 46-50.

12. Khamidova N.K. Clinical and immunological study of the effect of various types of therapy on the course of allergic rhinitis in children with hymenolepiasis // *World Medicine Journal.* -2021. - № 1(1).- P. 387-391.

КЛИНИКО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ГИМЕНОЛЕПИДОЗА СРЕДИ ДЕТСКОГО НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДА БУХАРЫ

Хамидова Н.К.

Резюме. Приведенные данные показали, что удельный вес гименолепидоза в разных возрастных группах детей примерно одинаковый и варьирует от $19,0 \pm 3,9$ до $31,4 \pm 7,8$ %. При этом настораживает довольно высокий показатель среди детей в возрасте менее 4 лет ($19,0 \pm 3,9$ %). Показатели манифестной клинической формы гименолепидоза также не имели

выраженной возрастной приуроченности и варьировали от $21,5 \pm 5,1$ до $30,8 \pm 5,7$ %, при субклинической форме гименолепидоза варьировали от $12,3 \pm 5,5$ до $31,4 \pm 7,8$. Такие симптомы, как регулярные острые боли в животе в результате травматизации слизистой оболочки стенок кишечника крючьями внедренного паразита, субфебрильная температура тела (обычно отмечается повышение до $37,5^\circ$, реже до $38,0^\circ$), умеренно выраженная норма- и гипохромная анемия (отмечается снижение уровня гемоглобина в крови до 100 г/л и меньше), умеренное увеличение печени и пр., наблюдались с высокой частотой у многих детей - от $65,7 \pm 8,1$ до $83,1 \pm 4,7$ %. При манифестной форме отмечаются эпилептиформные судороги, частая диарея с примесью крови, дисбактериоз, которые были зафиксированы у большинства детей - от $67,7 \pm 8$ до $87,7 \pm 4,1$ % случаев. Повсеместное снижение иммунного статуса среди детей, с одной стороны, и приобретение возбудителями резистентности к антигельминтикам, с другой стороны, способствует тому, что клиническая картина гименолепидоза претерпевает изменения. Одни симптомы ослабевают или вовсе затухают, вместо них возникают другие симптомы. В результате этого своевременная и достоверная клиническая диагностика гименолепидоза и особенно дифференциация его основных форм со стороны практических врачей осложняется. В связи с этим целью нашего исследования явилось изучение клинических форм гименолепидоза среди детского населения г. Бухары.

Ключевые слова: гименолепидоз, гельминтозы, дети, манифест, анемия.

ОШИҚ-БОЛДИР БЎҒИМИ БОЙЛАМЛАРИНИНГ ЖАРОХАТЛАРИДА УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ



Ходжанов Искандар Юнусович¹, Гафуров Фаррух Абуалиевич², Эранов Шерзод Нуралиевич², Ахмедов Мавлон Абдалиевич³

1 – Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

2 – Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

3 - Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали, Ўзбекистон Республикаси. Самарқанд ш.

РЕЗУЛЬТАТЫ УЛЬТРАЗВУКОВОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИ ПОВРЕЖДЕНИЯХ СВЯЗОК ГОЛЕНОСТОПНОГО СУСТАВА

Ходжанов Искандар Юнусович¹, Гафуров Фаррух Абуалиевич², Эранов Шерзод Нуралиевич², Ахмедов Мавлон Абдалиевич³

1 – Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии, Республика Узбекистан, г. Ташкент;

2 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

3 - Самаркандский филиал Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии, Республика Узбекистан, г. Самарканд

RESULTS OF ULTRASONIC EXAMINATION IN DAMAGE TO THE LIGANS OF THE ANKLE JOINT

Khojanov Iskandar Yunusovich¹, Gafurov Farrukh Abualiyevich², Eranov Sherzod Nuraliyevich², Akhmedov Mavlon Abdaliyevich³

1 - Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Traumatology and Orthopedics, Republic of Uzbekistan, Tashkent;

2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

3 - Samarkand branch of the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Traumatology and Orthopedics, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: sherzod.eranov@mail.ru

Резюме. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатлари, таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг кўп учрайдиган турларидан бўлиб, манбаларда келтирилишича барча таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг 6-21% ни, оёқ жароҳатларининг эса 40-60% ни ташкил этади. Мақолада 64 нафар беморларда ошиқ-болдир бўғими бойламларининг жароҳатларида ультратовуш текширув натижалари ва тахлили келтирилган.

Калит сўзлар: Ошиқ-болдир бўғими, бойламлар, ультратовуш текшируви.

Abstract. Injuries of the ankle joint are among the most common injuries of the musculoskeletal system, according to the literature, it accounts for 6-21% of the total number of injuries of the musculoskeletal system and 40-60% of the number of injuries of the lower limb. The article describes the results and conclusions of an ultrasound examination of 64 patients with ankle ligament injuries.

Keywords: Ankle joint, ligaments, ultrasound.

Долзарблиги. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатлари, таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг кўп учрайдиган турларидан бўлиб, манбаларда келтирилишича барча таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг 6-21% ни, оёқ

жароҳатларининг эса 40-60% ни ташкил этади [1,2,4]. Беморларнинг травматологларга мурожаат қилишларининг асосий сабаблари ошиқ-болдир бўғими пай-бойлам аппарати жароҳати ҳисобланади. Ушбу жароҳатларни турли хил

ташхислаш ва даволаш усуллариининг кўплиги, муаммонанинг охиригача хал бўлмаганлиги ва долзарблигини билдиради. Юмшоқ туқималар, тоғайларни текширишнинг объектив усули бу – магнит-резонанс томографиядир (МРТ). Бирок МРТ текширувининг кенг тарқалмаганлиги ва қимматлиги, унинг кенг қулланилишига тускинлик қилади. Хозирги кунда ультратовуш текшируви (УТТ) суяк-мушак тизимини текширишда ривожланаётган йўналишлардан бўлмоқда. Ушбу усулнинг оддийлиги, кенг тарқалганлиги, унинг бўғим ва юмшоқ туқималарни инструментал диагностикасида юқори ўринларга кутарди. Қолаверса иқтисодий томондан арзонлиги, КТ ва МРТ дан устун қилиб қўйди [3-8].

Мақсад. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатларида ультратовуш текширувини қўллаш ва нитажаларининг тахлиллаш.

Материал ва усуллар. Ультратовуш текшируви ошиқ-болдир бўғими жароҳатланган 64 нафар беморларда утказилган. Ўнг ошиқ-болдир бўғими жароҳати 33 (51,6%) та беморда, чап томонлама 30 (46,9%) та ва иккала ошиқ-болдир бўғими жароҳати 1 (1,5%) та беморда кузатилган. Ошиқ-болдир бўғими янги жароҳатлари 49 (76,6%) та беморда, 12 (18,8%) та бемор шифохонга 2-3 ҳафтадан сўнг мурожаат қилган ва ошиқ-болдир бўғимининг эскирган жароҳати 3 (4,6%) та беморда кузатилган. Барча беморларда УТТ ЕСУВЕ 7 аппаратининг 7,5 МГц чизиқли датчикларидан фойдаланилган. Ультратовуш текширувида ошиқ-болдир бўғими олдинги ва ён структураларини текшириш учун беморга утирган ҳолат, бўғимнинг орқа структураларини текшириш учун эса бемор товонига босган ҳолатида ёки ётган ҳолатида амалга оширилган. Олдинги йўналишда текширишда, бўғим капсуласи, гиалин тоғайи, ёзувчи мушаклар пайи ва синовиал суюқлик куринади, латераль йўналишда кичик болдир мушаклари пайлари, товон-кичик болдир бойлами, орқа talo-fibularis бойлами куринади, медиаль йўналишда буқувчи мушаклар пайи, дельтасимон бойлам ва орқа йўналишда эса ахилл пайи, ахил пайи халтаси ва болдир мушаги куринади. Болдирлараро синдесмоз, олдинги ва орқа болдирлараро бойламлар жароҳатини

аниқлаш мақсадида олдинги ва орқа қия (горизонталь текисликка 30° бурчак остида) йўналиш қўлланилди.


Натижалар ва муҳокама. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатланиш механизмларидан аддукцион-инверсион механизм (58%), абдукцион-эверсион механизм (24%) ни, бевосита таъсир механизми олдинги (11%) ва орқа (7%) ни ташкил этди. Ошиқ-болдир бўғими бойламаларининг жароҳатланишлари оғирлик даражаларини аниқлаш учун Kannus-Renstrom (1991) таснифидан фойдаланилган. Бунга кўра учта даража тафовут этилади: I даража – бойламанинг чузилиши; II – даража қисман узилиши; III даража – тўлиқ узилиши. УТТ да бойламнинг тўлиқ узилишига хос бўлган белгилар: бойлам толаларининг қисман ёки тўлиқ узилиши, толаларнинг тўлқинсимон қурилиши, ингичкалашиши ва контурларининг аниқ бўлмаслиги. Толаларнинг узилиши бўйламасига ёки кўндалангига бўлиши мумкин. Шиш ва қон қўйилиши оқибатида бойламаларнинг экзогенлиги пасайиши кузатилади. Юқорида келтирилган тасниф бўйича I ва II тип жароҳатланишда бойламанинг қисман бўйламасига ёки кўндалангига йиртилиши, III тип жароҳатланишда бойламанинг тўлиқ узилиши дея ташхисланди. Битта бойламнинг жароҳатланиши 22 та беморда (34,4%), икки ва ундан ортик бойламлар жароҳати 42 та беморда (65,6%) кузатилди. Кузатилган 64 беморда умумий 131 бойламалар жароҳатланиши аниқланди. Бойламлар жароҳатланишлари учраш частотаси ва турига кўра гуруҳларга бўлинди: ташқи ён бойламлар, дельтасимон бойлам ва болдирлараро дистал синдесмоз (1-жадвал).

Жадвалдан қуришиб турибдики ошиқ-болдир бўғими бойламларининг жароҳатларидан, дистал синдесмоз бойламанинг жароҳатланиши (40,5%), ташқи ён бойламлар жароҳати (38,9%) ва камроқ (20,6%) дельтасимон бойлам жароҳатланиши аниқланади.

Дистал синдесмоз бойламлари жароҳатини аниқ ўрганиш мақсадида, қўшимча йўналишларда: олдинги ва орқа горизонтал қия йўналишларда текширилди. Натижада 48 ҳолатда (36,6%) олдинги болдирлараро бойлам тўлиқ узилиши аниқланди (1-расм).

Жадвал 1. Бойламлар жароҳатланишлари учраш частотаси ва турига кўра тақсимланиши

Бойлам узилиш даражаси	Бойламлар гуруҳи			Жами (%)
	Дистал синдесмоз бойлами	Ташқи ён бойламалар	Дельтасимон бойлам	
I тип	5	15	11	31 (23,7%)
II тип	10	17	9	36 (27,5%)
III тип	38	19	7	64 (48,8%)
Жами	53 (40,5%)	51 (38,9%)	27 (20,6%)	131



Расм 1. Бемор А., 28 ёш ошиқ-болдир бўғимининг эхограммаси. Олдинги йўналишда текширилган. Олдинги болдирлараро бойламнинг тўлиқ узилиши, болдирлараро синдесмоз ажралиши (0,51 см)

Ташқи ён бойламлар жароҳатланиши, уларнинг анатомик жойлашувига ва тузилишига боғлиқ [8-10]. Ён бойламаларнинг жароҳатланиши (92%) холларда бошқа бойламлар ва пайларнинг жароҳатланиши билан кечади.

Алоҳида жароҳатланиш фақатгина олдинги talo-fibularis бойламига хос бўлиб, 12 холатда (23,6%) кузатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки бойламаларнинг қисман узилиши бўйламасига ва қийшиқ йўналишда, бойламаларнинг тўлиқ узилиши эса фақатгина кўндаланг йўналишда бўлди. Дельтасимон бойламалар жароҳатланиши 27 холатда кузатилиб, асосан бойламларнинг олдинги қисми (порцияси) зарарланиши аниқланди.

